

ТУЛҚИН

ҒУНЧАЛАР

Шеърлар, эртаклар

Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти
1986

Тўлқин.
Т 96 «Фунчалар» Шеърлар, эртақлар (Ўрта мактаб ёшидаги болалар учун)— Т. «Ёш гвардия», 1986.—144 б., расм.

Ушбу тўпламга таниқли шоир Тўлқиннинг болалар ҳаётидан олиб ёзилган ҳамда она-юртимизни куйловчи шеърлари, қизиқарли эртақлари жамланган.

Тулқун. (Имамходжаев). Бутончики. Стихи. Для детей среднего школьного возраста.

Уз 2

И $\frac{4803010000-71}{356 (04)-86}$ 141.—86

© Издательство «Ёш вардия, 1986

ҚУЁШ СОЧҒАН БҮЁҚЛАР



ДАВРА ҚУРИНГ, БОЛАЛАР!

Давра қуринг, болалар,
Даврани кенг олинглар.
Бирга қўшиқ бошлаймиз,
Қўшиқни тенг олинглар.

Жуда интизор эдим
Болалик қўшиғига.
Ҳаммангиз жо бўлурсиз
Кўзим қорачиғига.

Тонгдан оқшомга қадар
Давом этсин тантана.
Маҳкам тутинг қўлларни,
Қўйиб юборманг яна!

Бу беғубор даврани
Ҳамма ҳам соғинар, рост.
Мангу дилларда яшар
Сизларга бўлган ихлос.

Давра доим кенгайиб
Дўстларга тўлиб турсин.
Қўлни қўлларга беринг,
Давра мангу кенг бўлсин.

Давра қуринг, болалар!..

ИШОНЧ

Менинг илк бор кўрган киноим,
Ёш қалбимни қилиб қўйган ром,
Хаёлимни чулғайди доим,
Кўз олдимдан кетмайди ҳамон.

Тасир-тусир бошланарди жанг,
Қирғин-барот бўлар бешафқат.
Аҳвол икки томонда ҳам танг,
Шунда асир тушар бир солдат.

Сўроқ бошлаб, қийнайдилар кўп,
У миқ этмас, очмайди сирни.
Аямасдан тепар қилиб тўп,
Бераҳм зот мағрур асирни.

Сўнг зах уйга қамарлар уни,
Оч қўярлар, дилин ғашларлар.
Тонг отганда яна махбусни
Судраб чиқиб сўроқ бошларлар.

Аскар эса ҳамон жим, мағрур,
Юзларига тушса ҳамки мушт.
Минг азобга тик тура олур,
Фақат омон қолсин ёру дўст!


Тоқати тоқ фашист кекириб,
Уни ҳовли сари бошлайди.
Бошқаларга сабоқ бўлсин деб,
Шартта-шартта отиб ташлайди...

Йўқ-йўқ, дейман, ўлмаслиги шарт,
У қоқилиб йиқилди, холос.
Ўлим нима билмайди ҳеч мард,
Ҳозир тикка туришлиги рост!

Эрта кун ҳам келдим кинога,
Келдим индин. Шу фильм ҳадеб.
Ишонардим, солдат чап бериб
Қочиб қолар энди бу гал деби

Истар эдим, унинг дўстлари
Бостиришиб келишса бу он,
Мағлуб бўлиб душманнынг бари,
Аскар йигит қоларди омон.

Ишонардим ва истар эдим
Ўша аскар қолишини соғ.
Ҳамон-ҳамон келур ишонгим,
Ишонгандай ўша бола чоғ...



БАЙРАМ КУНИДА

Байрам либосини кийибди юртим,
Юзларда қувончу лабларда ханда.
Фурур ва ҳавас-ла қараб турдик жим,
Қатор орденлилар ўтаётганда.

Гулгун хиёбонга ҳамма бўлган жам,
Укалар, сингиллар, катталар шунда.
Ватан деб жон олиб жон берганлардан
Соғ-омон қайтолган оталар шунда.

— Юртинг тинч бўлса гар, хонадонинг тинч!—
Уруш кўрганларнинг бу оддий гапи.
Ва лекин йилдан-йил камаймоқдадир
Жанглардан саломат қайтганлар сафи!

Аммоки уларнинг қучган зафари
Ҳар бир кунимизга омихта ҳарвақт.
Бугун биз ҳаммамиз тинчлик аскарлари,
Ниятлар ҳам битта: тарк этмасин БАХТ!

Улкан элимизда шодлик, тантана,
Ғолиб халқ ғалаба базмин қурибди.
Шундай байрам куни, бир чеккада, воҳ —
Нуроний бир кампир йиғлаб турибди!

БОБОМ

Яшайдилар қишлоқда
Менинг мўътабар бобом.
Шаҳардаги «болакай»
Ҳар тонг йўллайман салом.

Оқ тўнлари ярашар,
Соқоллари ҳам оппоқ.
Ҳамма севиб қарашар,
Катта-кичик тенг ўртоқ.
Бошимиз силайдилар,
— Оромим, ҳузурим деб.
Ва оқ йўл тилайдилар,
— Сизлар кўзим нури деб.

Дейдилар:

— Бу дунёда
Одобли бўлинг доим.
Шунда бари зиёда,
Қуёш кулар мулойим.


Дерлар:— Меҳнат, соф ҳаво
Мени сақлайди омон.
Боғни севиб доимо,
Боғда ишларлар ҳамон.

— Бугун кўрай ўзларин,
Ёнларида қоламан.
Меҳрибон ҳар сўзларин
Дилга тугиб оламан,—

Дея отланиб шодон,
Қишлоққа йўл соламан.
— Хавотир олманг, бобо,
Энди катта боламан.

Мана бу йил соғ-омон
Ўн бир ёшга тўламан.
Сиз истаган паҳлавон
Менинг ўзим бўламан.

„Яшайдилар қишлоқда
Менинг юз ёшли бобом.
Бўлсалар ҳам йироқда,
Ҳар тонг йўллайман салом!



ЗИНАЛАР

Пойимизда, эртаю кеч
Хизмат қилиб созгина,
Қаршилайти «Кўтарил!» деб,
Елка тутиб ҳар зина.
Кўкрагига оёқ қўйиб,
Қаватларга чиқдик биз.
Қайтишда ҳам югургилаб,
Чопа-чопа тушдик тез.
Зиналар — бу боболарнинг
Кафти бўлиб туюлди.
Зиналар — бу момоларнинг
Тафти бўлиб туюлди.
Шу кафтлардир бизни юксак
Чўққиларга элтар куч.
Шу кафтларни севиб ўпиш
Бизнинг доим мақсад-бурч!
Космосга ҳам олиб чиқар
Дадил юрсак шу зина.
Дўстим, баланд чиққанингда,
Ўйлаб қўйгин озгина:
«Фарзандларим ўссин!» дея
Уни қурмиш катталар —
Акалару опалардир,
Оналару оталар.
Биз уларга деймиз:
«Раҳмат!
Омон бўлинг доимо.
Бахтимизга кулиб яшанг,
Тургунича бу дунё!»

ПОЧТАЛЬОН ОПАМ

Йўлин пойлайман ҳар гал,
Сумкаси оғир, аммо —
Ҳар бир уйга хушxabар
Элтиб берар доимо!

Газетани вақтида
Олиб келар ҳар куни.
Эшигимиз олдида
Кутиб оламиз уни!

Чегарада акам бор,
Тинч ҳаётга у посбон.
Суратин ўпиб такрор,
Дейман, бўлинг соғ-омон!

Онам билан мен ундан,
Кутамиз ҳар кун бир хат.
Почтачи опам чиндан
Хат билан келтирар бахт!

Уйимизга хат билан,
Акам келгандай бўлар.
Янграйди қўшиқ, ўлан,
Синглим ҳам яйраб кулар.

Қўлдан-қўлга ўтади,
Чегарадан келган хат.
Хат келтирган почтачи —
Опамларга кўп раҳмат!

БУВИМ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Ҳар кун менга эртак айтиб,
Ҳамроҳ бўлган бувижон.
Қайга борсам, сиз қўл тутиб,
Огоҳ бўлган бувижон.
Мақтабимга кузатасиз,
Кутиб оласиз яна.
Тонгда иссиқ чой тутасиз,
Ойимга ҳам сиз она.
Пешонангиз тарам-тарам,
Дейсиз, йиллар чизиғи.
Тиш қолмабди биронта ҳам —
Оғзингизда, қизиғи.
Пешонамни силасангиз,
Ёшланади кўзингиз.
Порлоқ йўллар тиласангиз,
Уқиб олдим сўзингиз:
— Ақлли бўл, одобли бўл,
Ўсиб-улғай, болакай.
Бахтли бўлгин, олисдир йўл,
Ўсиб-улғай, болакай!
Дейман:
— Катта бўлиб қолдим,
Сиз ёнимда, бувижон.
Наинки ён, сиз дилимда,
Сиз жонимда, бувижон!

ЭРТАКНИ ТИНГЛАБ

Ҳеч ким йўқдир кўчада,
Оқшом чўкиб, бўлган кеч.
Қоп-қоронғи кечада —
Биз ўйнаган боғлар тинч.

Шовуллаган анҳор жим,
Қушлар ҳам тинчиган дам.
Ухляпти дўстларим,
Ухляпти қушлар ҳам.

Фақат бувим уйқусиз,
Менга эртак айтмоқда.
Милтиллаган ҳар юлдуз
Деразадан боқмоқда.

Яна ўша бўғирсоқ
Қочиб қолар баридан.
Айиқ, бўри лол бу чоқ,
Утиб борар наридан.

Олдидан айёр тулки
Чиқмасин деб ўйлайман.
Ҳар куни эртак тинглаб,
Иннайкейин ухлайман!..



ВАРРАК УЧИРАЁТГАН БОЛА ҚУШИҒИ

Шамол, шамол, шамолжон,
Сенсан бугун чин ҳамроҳ.
Қанотларинг тут бу он,
Бирга учайлик йироқ!

Шамол, шамол, шамолим,
Юзларимни силайсан.
Тотли, гўё иқболим,
Порлоқ йўллар тилайсан.

Сен қадимдан ўртоғим,
Эсишинг чин муддао.
Эс, эсавер, оппоғим,
Ёқимлигим, хушҳаво.

Қўлимдаги варрагим
Сен билан бирга учар.
Бирга учар юрагим,
Юрагим олам қучар.

Аммо шўхлик қилиб сен,
Ипимни узиб кетма.
Дўстим деб атадим мен,
Қаҳқаҳам бузиб кетма!

Оппоқ шамол, тўхтама,
Варрагим чиқсин баланд.
Юмшоқ шамол, тўхтама,
Варрагим сенинг билан!

Ғалтакда ип кўп ҳали,
Йироқларга олиб кет.
Оқ нурли тонг маҳали —
Оппоқ булутга элт.

Мен ипимни тутганча,
Кузатиб қолай шодон
Қайтишингни кутганча,
Шамол, шамол, шамолжон!

Оппоқ шамол, варракни
Майли, олиб чиқ тоққа.
Томоша қилиб боқсин —
Мен яйраган гулбоққа..,

Оппоқ шамол, шўх шамол,
Кел, бошимдан эсиб ўт.
Менинг шодликларимни —
Дўстларимга олиб кет!

БОЛАКАЙ

Атрофингга боқ шодон,
Юрт обод, тиниқ осмон,
Гулгун элда ҳар қачон
Уйнаб-кулгил, болакай.
Эрка кўнгил, болакай!

Шодлигингга ҳавасда,
Чинор ҳам ўсар аста.
Сен бўй чўзиб ҳар ёшда,—
Катта бўлгил, болакай.
Ширин кўнгил, болакай!

Анҳорнинг бўйларида,
Шўх сувлар куйларида,
Қуш базми-тўйларида —
Завққа тўлгил, болакай.
Қувнаб юргил, болакай!

Сен дунёнинг ёшлиги,
Севинчга йўлдошлиги,
Болалик — қуёшлиги,
Сен қайноқ дил, болакай.
Эрка кўнгил, болакай.

Тоза ҳаво сеники,
Чин муддао сеники,
Еру фазо сеники,
Учгил енгил, болакай.
Қувноқ кўнгил, болакай!

АСАЛАРИ

Қўйни-қўнжи тўла боғ,
Ғув-ғув-ғув асалари.
Ҳар гулга очар қучоқ,
Зув-зув-зув асалари.

Баҳорнинг ҳавосини
Тўйиб-тўйиб эмади.
Гуллаган дарахтларни
Танлаб-танлаб шимади.

Унга озор бермай ҳеч,
Асалидан тотиб қол.
Қўним билмай эрта-кеч
Сенга у тайёрлар бол.

Озор берсанг бир бора,
Сени чақиб олади.
Ниш урару бечора,
Воҳ, ўзи ҳам ўлади.

Ғувиллаб ғужғон ўйнар,
Қўниб гулли бодомга,
Ишчи бобомга ўхшар,
Ўхшар ишчи дадамга.

Асалари гул ҳидлаб,
Асал яратиб яшар.
Коса-коса бол — тотни
Ойим элга улашар!

БОЛАЛАР ГУРУНГИ

Бир уйда ўн бир бола,
Парвонадир кеннойим.
Наргиз, Ортиқ, Нор, Лола.,
Бари ширин, мулойим.

Биттаси камгап бўлса,
Бошқаси бор сўзамол.
Қувноқроғи шўх кулса,
Бири хўмраяр дарҳол.

Ўнта бўлса ўрни бор,
Қирқта бўлса қилиғи.
О, болалар, болалар!
Сиз ҳаётнинг қўшиғи.

Барини ўз хислати,
Барин ўз кулиши бор.
Хонадонда барининг
Ўз ҳақи, улиши бор.

Оқшом бари бўлса жам,
Энг каттаси бўлар бош.
Уй тўлар, тўлар олам,
Улар бор — бу дунё ёш.

Бири моҳир қўшиқчи,
Бири эса раққоса.
Бири патнисни чалиб,
Мияни қоқар роса.

Бири расм чизади,
Бири эса ўйинчи.
Кўнгли булар хафа,
Эркаламай қўйинг-чи!

Овқат сузилган бир чоқ
Ўртада акам — қуёш.
Барига битта товоқ,
Барига ўртада ош.

Дейман мен:
— Бергум тортиқ,
Ким биринчи еса гар.
Тиришса ҳамки Ортиқ,
Ғолиб чиқади Зафар.

Уйни бошга кўтарар
Бир дона шарни олиб.
Бирдан йиғлаб ҳам қолар
Орқада қолган Толиб.

Энди ким тез ухлашда —
Биринчи бўлди Сулув.
Кичкина Райҳон эса.,
Аразлашда ютди у.

Бир хонадон бу, аммо —
Бағрида кенг олам бор.
Ҳаёт кулар доимо,
Болали уйдир бозор!..

ГИЛОС

Ҳовлимизнинг тўрида
Бўй чўзган бир туп гилос.
Товланар кун нурида,
Шохларда тўп-тўп гилос.

Серяпроқ, бўйи новча,
Қулочлари кенг унинг.
Отамнинг айтишича
Ёши менга тенг унинг.

Офтоб билан сўзлашиб,
Офтобдан эмибди нур.
Оғзимга солсам шошиб
Роса маза-да, ҳузур!



КИЧИК ПАХТАКОР СЎЗИ

Отам туриб тонг чоғи
Пахтазорга йўл олар.
Ойижоним қучоғи
Оппоқ нурларга тўлар.

Акам уйган ҳар хирмон
Юксак чўққидан баланд.
Ҳавас билан дер жаҳон:
— Элига асил фарзанд!

Опамни ҳам колхозда
Аташади биринчи.
Мақташади ҳар сўзда:
— Бизнинг моҳир теримчи!

Боғ-роғлар оша ўтиб,
Далага йўл оламан.
Момикларга кафт тутиб,
Онам билан қоламан.

Пахтазор оппоқ қучоғ,
Унда шодман-бахтиёр.
Этакларим тўлган чоғ,
Бувим дер:
— Сен пахтакор!

Хирмонлар уюлган дам,
Дегим келар, ҳиссам бор.
Оқ дурга тўлур олам,
Мен ҳам энди пахтакор.

Мўл бўлди ҳосил бу йил,
Карвонлар турнақатор.
Пахтакор юрт бизнинг юрт,
Мен ҳам кичик пахтакор.

ОЛЧАЛАР

Ғуж-ғуж қизил олчалар
Ёқутдек силлиқ дони —
Гўё жажжи қизларнинг
Бўйнидаги маржони,
Ғуж-ғуж қизил олчалар,

Ғуж-ғуж қизил олчалар.
Шода қилиб тергандек.
Гўё қуёш атайлаб
Унга ҳусн бергандек.
Ғуж-ғуж қизил олчалар.

Ғуж-ғуж қизил олчалар,
Мунча қизил,
 лаълмикин?
Қани, бирин еб кўрай,
Шарбатмикин, болмикин?
Ох, олчалар, олчалар..,

СУХДАРЕ

Кийикдек сапчийсан қирғоққа,
Сұхдарё,
Сиғмайсан, олсам гар қучоққа,
Шұх дарё!
Бұтана сувингдан симириб,
Яйрар Ер.
Чопасан өнгингни шимариб,
Тўкиб тер.
Боладек ёйилиб куласан,
Кул, дарё!
Бўқиёс шодликка тўласан,
Мўл дарё.
Йўлингга кўз тутган далалар,
Пахтазор.
Кўксингда оқади яллалар,
Ва гулёр!
Сени мен дўст тутиб кўтардим
Елкамга.
Ва сочиб юбордим тупроққа,
Ўлкамга!
Кийикдек сапчи сен қирғоққа
Сұхдарё.
Сиғасан олсам гар қучоққа,
Шұх дарё.

ЛОЛА

Тоғ этаги. Мен ва синглим
Сайр этамиз лолозорни.
Севинчимиз дилда лим-лим,
Олқишлаймиз гулбаҳорни,
Йўллар лола,
Атроф лола,—
Табиатнинг духобаси.
Мунча нафис,
Мунча гўзал,
Мунчалар ҳам хушбўй иси?!
Бирдан синглим териб кетди
Лолалардан қучоқ-қучоқ.
Бу гуллардан шод синглимни
Ажратолмай қолдим шу чоқ:
Сочида ҳам,
Қўлида ҳам,
Қадамида —
Йўлида ҳам,
Қизил лола,
Нафис лола!
Атрофида —
Ҳарёғида.
Чаккасида,
Қучоғида
Нафис лола,
Чўғдай лола!
Майин шамол эсди шу дам,
Силкинишди гул-лолалар.
Назаримда бутун олам
Алвон рангда яшнар, кулар!

БАҲОРОЙ СИНГЛИМГА САЛОМ!

Мармар қорлар эриб оқмоқда,
Лабларида қуёшнинг кафти.
Олча шохи маржон тақмоқда,
Иситганда она-Ер тафти.

Ҳаёт эса завқли ўшандай,
Ўша-ўша этади давом.
Чойга тушган бир бўлак қантдай
Кўнгил эриб олади ором.

Кўзларимга бошқача бўлиб
Туюлади яшарган олам.
Гул табиат боладай кулиб,
Тўйдирмайди.

Ва тўймайман ҳам!

Қалб китобин варақлаб очиб,
Баҳор отлиғ синглимга бердим.
Йўлларига хисларим сочиб,
Соғиндим ва соғинавердим.


Чопиб келди ҳузуримга у,
Чучук тили ширин бир калом.
Барча дилга муқаддас туйғу,
Менинг баҳор синглимга салом!

Сўнг етаклаб боғларга бордим,
Чулдираган булоқ бўлди у.
Мен баҳорни элимга бердим,
Ҳаммага тенг ўртоқ бўлди у.

Маҳкам қучиб қирғоққа чопсам,
Севинчимдай сочилиб кетди.
Бинафшанинг кўзидан ўпсам,
У кўзига қалбни беркитди.

Мекдай бахтли йўқдир оламда,
Майсазорлар ичра йўқолдим.
Қуёш қиздай жилмайган дамда
Синглим — баҳор қўлидан олдим.

Салом баҳор — синглим, жонгинам!



ЕЗДА ҚОР

— Еғмайдими ёзда қор?—
Сўрайди синглим Дилдор.
Йўқ десам, ишонмайди,
Жавобимдан қонмайди.

Яна тергайди мени:
— Қишда ёққан қор қани?
Дейман:— Қишда ёққан қор
— Оқмоқда бўлиб анҳор.
Жилғаларга қулоқ сол,
Сув бўлиб куйлар хушхол!..

ЗАМИН ВА ДАМИН

Дунёга боққан чоғдан —
Шодланиб кулди Дамин.
Уни ардоқлар эди
Кафтида она замин.

Уни ардоқлар эди
Тўкиб бор неъматини.
Дамин ҳам сақлар эди
Соф меҳр қимматини.

Йиллар ўтди. Улғайди,
Йигит бўлди ёш Дамин.
Энди унинг кафтида
Меҳрибон она замин.

ШАЛОЛА — ҲИЛОЛА

Тоғда куйлар ҳар кун
Шалола.

Севасанми сен уни,
Ҳилола.

Тошда сакраб ўйнайди
Шалола.


Уни кўриб қувнайди
Ҳилола.

Далаларга солар жар
Шалола.

Унга ҳамроҳ, севинар —
Ҳилола.

Ҳар қачон уйғоқ, қувноқ
Шалола.

Унга қадрдон ўртоқ
Ҳилола.



КИШМИШ

Ишкомга кириб боқсам
Хилма-хил узум пишмиш.
Шапалоқ барглар аро
Товланиб боқар кишмиш.
Ўйлайман:

— Ширинликни

Қайдан олди экан у?
Ва ёки мазасини
Берганмикин зилол сув.
Осмоннинг юлдузлари
Унга ҳусн берганми?
Ёки қуёш эринмай
Марвариддай терганми?
Митти кўзачаларга
Бирма-бир ким қуйди бол?
Ҳар куни тонгда келиб,
Ким ундан билди аҳвол.
Менинг саволларимга
Узумнинг ўзи шу тоб
Барг остида жилмайиб,
Айтади шундай жавоб:
— Ҳа дўстгинам, чиндан ҳам
Бағримда тўла шарбат.
Барчаси пешона тер,
Барини берган меҳнат.

КОНЬКИ УЧАМИЗ

Ғиз-ғиз.,

Коньки учамиз.

Жуда яхши бизнинг қиш,

Қишга бўлсин кўп олқиш!

Майдончамиз тап-тайёр,

Ёғмоқдадир кумуш қор.

Энди биз,

Ғиз-ғиз

Коньки учамиз.

Ҳаммада иссиқ қўлқоп,

Тўпланди барча шу тоб,

Ким ўзарга ўйнашиб,

Шодланиб ва қувнашиб,

Барчамиз

Ғиз-ғиз

Коньки учамиз.

Қорлар яхши, қиш яхши,

Ўйин-кулги, иш яхши!

Бу қувноқ турмуш яхши,

Қиш яхши-ю, қиш яхши!

Энди биз,

Ғиз-ғиз

Коньки учамиз!

ШҶХУ ШОДОН БОЛАЛАР



АРҒИМЧОҚ

Тиним билмас арғимчоқ,
Баландларга чиқаман.
Кузатиб қолар ўртоқ,
Эҳ, арғимчоқ учаман.

Тикка чиққан онимда
Кўринади йироқлар,
Мунча кўркам кенг водий,
Бедазору ўтлоқлар.

Чир айланиб арғимчоқ
Осмонга етар бошим.
Юксакка чиққаним чоғ,
Пойимда тоғу тошим.

Кўзим кунга бойланар,
Хаёлим учар йироқ.
Мен-ла осмон айланар,
Чир айланиб арғимчоқ.

Ҳозирча мен арғимчоқ —
Учаман.
Эрта-индин —
Ой мени кутар қувноқ,
Юлдузларга мен мафтун!

Уч-учавер, арғимчоқ,
Тўхтама овунчоғим.
Айланишингга ҳамроҳ
Менинг эрка қучоғим.

Айлансанг ер айланар,
Айланар мовий само.

Айланар Ой, Қуёш — зар,
Бошим айланмас аммо!

Уч, тўхтама, арғимчоқ,
Менга дўсту овунчоқ!



ҲАР КАЛЛАДА ҲАР ХАЁЛ

Ўғилчасин етаклаб она,
Сайр қилади анҳор бўйини.
Кечки қуёш қилиб тантана,
Макон этар сувнинг қўйинини.

Эх, кўнгилга ором
ва ҳузур —
Анҳор жўшиб айтган қўшиқлар.
Томчиларга жойлашиб кулур
Шуълалардан сачраган чўғлар!

Аланглайди,
Яйрайди ўғлон,
Шалодадай жўшқин ва қувноқ.
Ойижони мунча меҳрибон,
Кетказмайди бир қадам йироқ.

Шу чоқ келиб қолар холаси,
Болакайни қучоқлаб ўпар.
— Холасининг суюк боласи!—
Дея унга берар конфет, шар.

— Ур-ре!— деди болакай шодон
Ва конфетни бирпасда еди.
Қўлларидан ушлаб онажон,
Ўғлонига кулганча деди:

— Нима дейиш керак холангга?—
Қани тезроқ айтақол, Омон!
Бола деди қўл чўзиб:
— Менга
Яна конфет беринг, холажон!

САВОЛ-ЖАВОБ

— Ўз синфида ҳаммага ўрнат,
Баҳолари ҳар доим «аъло».
Фурурланиб кермайди кўкрак,
Мақтанишни билмайди асло!

Спортни ҳам севади чиндан,
Разрядли эрур боксда.
Бўй-басти сал тикроқдир сендан,
Хулқ-одобда тўла-тўқис-да!

— Сен мақтаган бола ким экан?
— Менинг акам!

— Бир бола бор, эрта тонг туриб,
Ховлига сув сепиб супурар.
Ҳавас қилар қуёш ҳам кўриб,
Сочидан гул иси уфурар.

Дадам дутор чалсалар қувноқ,
«Тановар»га роса ўйнайди.
Бўш вақтлари дўстлар-ла иноқ
Қувлашмачоқ ўйнаб қувнайди.

Катталарни кўрган чоғида
Энг аввало беради салом.
Даладаги бобом боғида
Ёз ойлари олади ором.

— Бу ажойиб бола ким экан?
— Менинг укам!
— Акангни ҳам укангни суюб,
Яхши дея тилга оласан.
Жавоб бер-чи, барини қўйиб:
«Сенинг ўзинг қандай боласан?»

— Манманликни кўраман ёмон,
Аммо айтиб қўяйки андак:
«Мен акамга ўхшаб кетаман,
Укам менга ўхшаса керак!»

ЭҲ, БОЛАЛАРИ

МУСИЧАНИНГ СЎЗЛАРИ

«Уйқучи» аталган Нор
Дарсга кеч қолар гоҳ-гоҳ,
Кўкда қуёш уйғонар,
У ухлайди, воҳ-воҳ!
Эрта тонгда турсин у,
Ку-ку-ку!
Ку-ку-ку!

«Олов» номли Ҳол эса
Қизлар сочини тортар.
Қўлида нима бўлса,
Дарахту томга отар.
Бу кўп ёмон қилиқ-ку,
Ку-ку-ку!
Ку-ку-ку!

Қовоқ уюб Ойсулув
Дўсти билан чиқди «пўм»,
Аразлаб оч қолди у,
Бундай ишни қилар ким?
Аразчи қиз Ойсулув,
Ку-ку-ку!
Ку-ку-ку!

Чала ювиниб Шавкат
Этагига артинди.
Сочлар патила ҳарвақт,

Дўстлари ҳам ачинди.
Юзинг кўрсатар кўзгу,
Ку-ку-ку!
Ку-ку-ку!

Қитмирлик қилиб Омон
Синглисин йиғлатади.
Ўтган-кетганга ёмон,
Нордон гаплар отади.
Бу ҳам ёмон одат-ку,
Ку-ку-ку!
Ку-ку-ку!

Эҳ, болалар шодон, шўх,
Дўстингизман оддий қуш.
Сизда зарра ғубор йўқ,
Шўхсиз, аммо доим хуш,
Сиз билан кулар орзу,
Ку-ку-ку!
Ку-ку-ку!

МАШИНАМ

(Кўшиқ)

Ғиз-ғиз учар машинам,
Виз-виз учар машинам.
Винтини бураб қўйсам,
Тез-тез учар машинам.

Дадам келтирган уни,
Ўйнасин деб ҳар куни.
Боғчамга бирга борар,
Ташийман уни-бунни.

Бўла қолсайдим катта,
Шофёр бўлгум албатта.
Қизил чироқ ёнганда —
Тўхтаб қоламан шартта.

Виз-виз учар машинам,
Ғиз-ғиз учар машинам!

ПАЗАНДА

Уста пазанда Севар,
Таниб қўйинг сиз уни.
Турли таом пиширар
Уйида у ҳар куни:
Маства, палов, манти..
Ошпаз қиз жуда танти.
Иштаҳа билан ейсиз,
Ейсиз-у, «рахмат» дейсиз.
Ўзи жажжи ширин қиз,
Оловда юзи қирмиз.
Эртаю кеч овора,—
Пиширай деб чучвара.
Севар хушчақчақ, шодон.
Онасига меҳрибон.
Нима ҳам бўлса бўлсин,
Онанинг кўнгли тўлсин,
Ишин олай қўлидан,—
Деб пазанда овора,
Қачон пишар чучвара?

1961

ҚИЗЧА

(Ҳазил)

Ойисига эркалиниб
Йиғлайди қизча,
Ёлборса ҳам овунмайди
Дер:— Тутинг Норни
— Вой эркатой, Нор урдими?
Сўзлагил пича.
Торт берайми, ё конфетга —
Иштаҳанг борми?
— Йўқ, ойижон, ўлдирди-ку,
Норингиз пашша!
— Яхши бўпти! Пашша — ёмон,
Нечук хархаша?
— Пашша ўлди, мен йиғладим,
У ўзи эса —
Тутқич бермай, қочиб кетди
Отиб шаталоқ.
Йиғлайман-да, ўша пашша
Бурним учига
Қўниб турган эди, Нор-чи,
Солди шапалоқ!

ШОКОЛАД

Шоколадга ўч Гули —
Шоколадни кўп ейди.

Онаси:

— Қизалоғим,
Уни камроқ е, — дейди. —
Шундай есанг сен агар,
Қорайиб кетар тишинг.
Сўнгра оғриб қолади,
Фойда бермас йиғлашинг.
Доктор олиб ташлайди.
Тишсиз бўлиб қоласан.
Камроқ егин шоколад,
Ўзинг яхши биласан!
Бўш келмайди Гули ҳам,
Жавоб берар бинойи:
— Унда Сиздай тилла тиш
Қўйиб оламан, ойи!



БИР СИНФ БОЛАЛАРИ

Бешинчи «А» синфда
Роса ўттиз боламиз.
Шўхликка шўх ва қувноқ
Асли бизлар бўламиз.

Гарчанд кичик бўлсак ҳам,
Тўлиқ эрур ақлимиз.
Катталардек бизлар, эҳ,
Мақтанишга ҳақлимиз.

Досканинг ҳам ярмига
Етиб қолди бўйимиз.
«Энди ким бўлсак экан»,—
Деган хаёл-ўйимиз.

Анвар дадаси каби
Бўлай дейди инженер.
Нор эса:
— Мен заводга
Директор бўламан, дер.

— Морожний дўконини
Севаман!— дер кулиб Хол.
Ҳаммамизда ширин ўй,
Ҳаммада ширин хаёл!

Велосипедли Туйғун
Ҷофёр бўлишни ўйлар.
Жингалак соч Омон-чи,
Ҳалитдан қўшиқ куйлар.

Аканг қарағай, ўзим
Учгим келар космосда.

Қўрқмасдан самолётда
Сайр этдим ўтган ёзда.

Қирқ кокилли Ойниса
Раққоса бўлар чиндан
Байрамларда ўйнаса,
Хурсанд бўламиз ундан.

Икромжон парта чертар,
Ноғорачи бўлар у.
Ҳаммамизда бир ният,
Ҳаммамизда бир орзу!

Наргиз турли гулларни
Роса боплаб чизади.
Синфимиз газетасин
Рассом каби безади.

Собир, Тоҳир, Қаҳрамон
Футболни севишади.
«Пахтакор»да ўйинчи.
Бўламан дейишади.

Назокат:— Ойим каби
Тикувчи бўламан,— дер.
Шифокор бўлмоқликни
Орзу қилар Алишер.

Назираю Ҳалима,
Салимаю Ибоҳон
Гулзор, боғни севишар,
Бўлишар албат боғбон.

Фақат Ҳолбек мунғайиб,
Қим бўлишни билолмас.

Бугун орзу қилмаса,
Эрта ҳеч ким бўлолмас.

Уни ўртага олиб
Даврамизга қўшамиз.
Ўттизта олов бола
Орзу билан жўшамиз.

Бир синф фарзандлари
Устозларга бўлиб эш,
Она тили дарсидан
Ҳаммамиз тенг олдиқ «Беш!»

Бешинчи «А» синфда
Роса ўттиз боламиз.
Шўхликка шўх ва қувноқ
Асли бизлар бўламиз.

«ИККИ» ВА «БЕШ»ЛАР

[Ҳазил]

Мактабидан беҳад шод
Қайтиб келди Боқивой.
Иккита «беш» олганин
Айтиб келди Боқивой.
Адасининг кўнгли ҳуш,
Табриклар хурсанд бўлиб.
— Нималардан олдинг «беш»—
Дея сўрайди кулиб.
Коптоқдек дик-дик сакраб,
Дер Боқивой жуфтлаб лаб;
— Боплаб ташладим, ада,
Физкультура дарсида.
Дўндириб югуришни,
Олдим каттакон «беш»ни!

— Баракалла!— дер ота,
Яна бир «беш»инг недан?
— О, сўраманг, адажон,
Бу саволни Сиз мендан.
Қўшиқ дарси бўлганди,
Овозни хўп тоbladим.
Сўнг баралла бақириб,
Битта «беш»ни бопладим.

Ўғлон баҳоларидан
Мамнун бўлади ота.
Нуқул «беш» бўлаверса,
«Беш»ларки, фақат катта.
Аста жилмайиб қўйиб,
Яна бидирлар ўғил:
— Дер эдингиз: адавой,
«Доимо камтарин бўл!»

Мана мен ҳам камтарин
Бўлмоқликни хоҳладим.
Бу жиҳатдан ҳам Сизнинг
Ишончингиз оқладим.
Яхшилар кўпайганда,
Ёмонлар йўқолади.
Фақат «беш» олаверсам,
«Беш»лар тугаб қолади.
Шунинг учун кичкина
«Икки» ҳам олдим, ада.
Камтарин болангизни
Уришмасиз беҳуда!
— Хўш, нимадан бу «икки?»—
Оғрир отанинг дили.
Боқивой дер:
— Кўп қийин
Экан-да «Она тили!..»

ТОПИШМОҚ УЙИНИ

— Топ, топ, топган тополоқ,
Ким тополмас — япалоқ.
Боқмай ўнгу-сўлингга,
Бериб қўйсам қўлингга,
Ўйлаб олгин сен ўртоқ,—
Бўлса ясси-думалоқ,
Ўртаси тешик бўлса,
Кичкина эшик бўлса,
Ҳар қадамда учраса,
Ҳар одамда учраса,
Икки эмас, тўрт кўзи,
Айт, нимадир бу ўзи?
Ўйлаб-ўйлаб неча бор,
Бошин қашир Бахтиёр:
«Бўлса ўзи думалоқ,
Шуниси ҳам бор бироқ —
Ўртаси тешик бўлса,
Кичкина эшик бўлса»,
— Топдим, топдим!— дейди у,—
Бу тегирмон тоши-ку!
— Йўқ топмадинг, ландовур,
Тош қўлга сиғмас, ахир.
— Унда қийнамай мани,
Ўзинг топгин, оғайни.
— Вой, қилиғи хурмача —
Бу оддий бир тугмача!
Топ, топ, топган тополоқ,
Топмас бола япалоқ!.

ФОКУСЧИ

Гапнинг рости синфда мен
«Ўртачи» бир шўх боламан.
Истасам-чи, бирпасдаёқ
Фокусчи ҳам бўп қоламан.

Бир қўлимда бир коса сув,
Чайқатсам гар, каптар бўлар.
Бир варақни йиртиб-йиртиб,
Куф-сув десам, дафтар бўлар.

Кафтимдаги беш тийинлик,
Мана қаранг, йўқ бўлади.
Ё пуфласам лабга тутиб,
Ёниб турган чўғ бўлади.

Узун-узун арқонларни
Кесиб-кесиб бутун қилгум.
Чуваланган оқ ипларни
Сошиб булут, тутун қилгум.

Даста-даста косаларни
Отсам ҳамки, синмас асло.
Шундай моҳир фокусчиман,
Сиздан битта талаб аммо:

Мен фокусни бошлаганда,
Хаёлларга чўмиб туринг,
Йўқ-йўқ дўстлар,
Яхшиси-чи,
Кўзингизни юмиб туринг!

ЕРИЛИБ КЕТГАН ШАР

(Ҳ а з и л)

Ойим укамга битта,
Биттаю жуда катта
Олиб келгандилар шар,
Шарки, космосга учар.
Мен унга яқин бориб,
Шарини қўйдим ёриб.
Укам кўзи ёшланди,
Роса жанжал бошланди.
Мен қочдим, қувлар ҳамма:
Тоға, жиян ва амма.
Қувлар қўшни Ҳалима,
Ва жажжи қиз Салима.
Менга пишқирар Омон,
Жеркиб ўшқирар Камрон.
Хипчин тутган Каромат,
Қўлда челак Саломат
Мени тинмай қувлашар,
Қўлимда пучмайган шар.
Алам қилади менга:
Қувлашар мунча, нега?.,
Оёғимга тўплаб куч,
Чопаман бермай тутқич.
Улар ортда қолмаслар,
Аммо тута олмаслар.
Шунда ўйлаб қолдим ман:
Чопқир бўлай десанг сан,
Унутмагин гапларим,
Ёриб қўй уканг шарини.

ШҰХ БОЛА

Тортиб мушук думини,
Калтаклайди таёқда.
Жажжигина кучукни
Тепиб ўтар оёқда.

Бўйнидан ил боғлайди
Олақанот жўжани.
Қўй десангиз, бошига
Кўтаради кўчани.

Оқ қоғозни майдалаб
Танга дея сочади.
Бувисин кўзойнагин
Олиб туриб қочади.

Онаси уни қувлар,
Тутмай, қурир тинкаси.
Мана шунақа шўхроқ
Акасининг укаси.

Адаси келса ишдан,
Той бўлинг деб қўймайди.
Устига чиқиб олиб,
Елкасида ўйнайди.

Тиним билмайди асло,
Қўзичоқдай ўйноқлар.
Бобоси эркалайди:
— Омон бўлсин тойчоқлар!

Бола билан бу ҳаёт
Обод бўлиб туюлар.
Шўх бола ҳам бор бўлсин,
Шўх бола тез қуюлар.

Бизнинг уйда ҳам бордир
Шу шўхларнинг биттаси.
Эндигина беш ёшда
Акасининг укаси.

Х У Р О З

Хўроз қичқирар тинмай:
— Турақол, тонг отди-ку!
Ухлайверма, болакай,
Қу-қу-қу, қув!

Уйғотаман, вақтли тур,
Ойижонинг уйғоқ-ку.
Мен билан сен боққа юр,
Қу-қу-қу, қув!

Жўжалар бор бир талай,
Бири кўринмайди-ку.
Сен топиб бер, болакай,
Қу-қу-қу, қув!

Сўнг мактабдан қолма кеч,
Соат саккиз бўлди-ку.
Мен қичқириб толмам ҳеч:
Қу-қу-қу, қув!
Қу-қу-қу, қув!

ТУЛПОР

Секинроқ чоп тойчоғим,
Яна қолмагин синиб,
Ҳар кун боғчамга борай
Сенинг елкангга миниб.
Чу тойчоғим, чу тулпор,
Учиб ўт тик тоғлардан.
Сен учун ўт юламан
Боғлардан, ўтлоқлардан.
Ўнг қулоғинг бурасам,
Оёғингга кирсин куч.
Чап қулоғинг бурасам,
Уйимиздан ошиб уч.
Уч, учақол тулпорим,
Учақолгин тезгина.
Елкангга миниб олиб,
Маза қилай озгина.
Дўстлар билан галма-гал
Ойга бориб қайтамиз.
Шунда сенга, тойчоғим,
Катта раҳмат айтамиз.

САЛОМ БЕРИБ УТАМИЗ

Ҳар тонг қўлга-қўл бериб,
Боқчамизга кетамиз.
Кимни йўлда учратсак,
Салом бериб ўтамиз.

Кексалар қолса учраб
Салом сўзин айтамиз.
Улар беҳад нозик таъб.
Дарров қўлни тутамиз.

Қолишса йўлда учраб,
Хола, тоға, аммамиз
— Салом!— деймиз жуфтлаб лаб,
Биз болалар ҳаммамиз.

Қувонч тугамас бизда,
Кичикмизу каттамиз.
Икки қўл кўксимизда,
Салом бериб ўтамиз!

ҚАЛДИРҒОЧ УЯСИ

Айвонимиз шифтига
Уя қурар қалдирғоч.
Сўнг унда бола очиб,
Ўйнаб кулар қалдирғоч.

Тумшуғида бир гал лой,
Бир гал ташир чўпу хас.
Орасига қўяр қил,
Уя пишиқ, бўлса, бас!

Қушлар уя устаси,
Томоғида пишар лой.
Тартиб билан жойланиб,
Шифт узра топар чирой.

Наққош қушим — қалдирғоч,
Уяча бўлди тайёр.
Чарх урасан бошимда.
Бижирлаб, шўх, бахтиёр.

Эсладим, уста бобом
Уячангга боқиб шод.
У ҳам уйлар қурарди
Элини этиб обод.

Чарчаш нима билмайин
Ғишт терарди қишу ёз.
Ким кўрса, деяр эди:
— Уй бўлибди, эҳ-ҳе, соз!

Қара, қалдирғоч дўстим,
Қатор уйлар турибди.
Билсанг, уларни менинг
Уста бобом қурибди.

Уша бобомдан мерос
Миришкор деган бир ном.
Баланд-баланд уйларнинг
Устаси менинг бобом!

Бобомнинг бобоси ҳам
Уста бўлган, дейдилар.
Ҳаммага яхшиликнинг
Дўсти бўлган, дейдилар.

Бобомлар қурган уйда
Ҳамма ўйнаб-кулибди.
Уша қатор уйлардан
Шаҳар пайдо бўлибди.

...Уйча қурар қалдирғоч,
Айни баҳор фаслида.
Бу хунарни бобомдан
Ўргангандир аслида!


КАПАЛАКНИ ҚУВАЛАБ

Нозиманинг ойиси
Олиб чиқди далага,
Майин, кўм-кўк майсалар
Ёқиб тушди болага.
Шодланиб, хандон отиб,
Чопа кетди қизалоқ.
Чучмомаю қизғалдоқ
Топа кетди қизалоқ.
Бирдан оппоқ капалак
Хаёлини тортди тез.
Уни ушламоқ бўлиб
Қува кетди жажжи қиз.
Сариқ, пушти гул баргин
Сочиб-сочиб капалак,
Далада чарх уради
Қиздан қочиб капалак.
— Ойисининг ширини,
Эй, Нозима, Нозима!
Капалакни қувлама,
Даминг олгин озгина.
— Йўқ-йўқ!— дейди қизалоқ,—
Кутинг ойижон андак.
Қаранг қандай чиройли
Меники бу капалак!
Уни тутиб, уйимга
Бирга олиб кетаман.
Саватчам уйи бўлар,
Қуёшдан беркитаман.
Шоколадлар бераман,
Келтираман музқаймоқ,
Қаранг, жуда чиройли,
Қаноти оппоқ-оппоқ!
...Кўм-кўк майса қўйнида

Қўлин чўзиб тезгина,
Капалакни қувалаб,
Чопа кетди Нозима!..

МУСИЧА

Ҳовлидаги теракка
Ин қурди.
Уч-тўрт ҳашакни ташлаб
Кун кўрди.
Гўё чорлар ўртоқни:
— Ку-ку-ку!
Тумшуғида ушоқни
Ташир у.
Бола очибди бир кун —
Айни ёз.
Қўлимни чўзсам мафтун —
Жуда соз!
Оғзин очар сариқ лаб,
Чий-чий-чий,
Онаси дер кариллаб:
— Тегма, ий-й!
Текканим йўқ полопон
Ўссин деб.
Ва ҳовлига сепдим дон,
Есин деб!



КАККУ

(Қўшиқ)

Менинг севикли қушим,
Тутаман кафтимда сув.
Сенсан менинг қўшиғим:
Какку, какку, жон какку!

Баланд-баланд учасан,
Жажжи қалбингда орзу.
Фазоларни қучасан,
Какку, каккужон, какку!

Елкамга қўн, майлига,
Кўзларинг мунчоқ-кўзгу.
Бошла дала сайлига —
Какку, каккужон, какку!

ҚУШЛАР

Чиройисиз боғларнинг,
Дил қувлаб хуш чоғларнинг
Қувончисиз тоғларнинг,
Қушлар, қушлар, шўх қушлар.

Читтак, чумчуқ, зағизғон...
Шод болалар олқишлар.
Сиз билан гавжум осмон,
Қушлар, қушлар, шўх қушлар.

Тонгда куйлайди булбул,
Сирдош чўчиб боқишлар.
Саъва сайрар, яйрар дил,
Минг наволи шўх қушлар.

Сариқ тумшуқ қарқиноқ
Чирқ-чирқингни боғ ҳушлар.
Болалигимдай қувноқ —
Қушлар, қушлар, шўх қушлар.

Вижирлаб қолса тўрғай,
Ёдда гулхан ёқишлар.
Олам навога тўлғай,
Қушлар, қушлар, шўх қушлар.

Япроқларга ярашиқ
Тонгда сирға тақишлар.
Шулар ҳақда бир қўшиқ —
Тўқиб уйғоқсиз қушлар.

Чиройисиз боғларнинг,
Сизни дунё олқишлар.
Файзисиз хуш чоғларнинг
Қушлар, қушлар, шўх қушлар.

КУЧУКЧАМ

Үйнашсанг гар қувнайди,
Суйкаланиб қувлайди.
Кучукмисан, кучук-да,
Аммо бир оз кичик-да.
Беркинсанг топар дарров,
Эркаланиб дер:

Вов-вов!

Ёқтирмайди урса ким,
Тишлаб олар турмай жим.
Кенг ҳовлимиз эгаси,
Эгаси ва эркаси.
Келса бегона-билов,
Йўлатмайди деб:

— Вов-вов!

Мушукчани тинчитмас,
Қувлар, аммо ҳеч етмас.
Иккови ҳам кенг уйда,
Ёшлари ҳам тенг уйда.
Мош қочар «миёв-миёв»,
Кучукчам қувлар:

— Вов-вов!

Боғчамгача кузатар,
Кўришсам қўл узатар.
Ҳали катта бўлар у,
Мендек бешга тўлар у.
Шунда бирга қилгум ов,
Олапарим:

— Вов-вов!

ХУТИК ВА ЛАЙЧА

Кенг майдонда ёнма-ён
Ўйнар лайча ва хўтик.
Лайчада бор қўнғироқ,
Хўтик кийибди этик.
Иккови бедазорни
Сайр этиб ўйнашади.
Бир-бирига гап отиб,
Яйрашиб-қувнашади.
Дик-дик чопиб хўтикча,
Кўкка учмоқ бўлади.
Унинг аҳволин кўриб,
Лайча роса кулади.
Дарғазаб бўлар хўтик,
Оёқда тўрт пой этик:
— Вой тирранча, лайчавой,
Ўзинг муштдексан, аммо —
Жуда бетга чопарсан,
Акиллайсан доимо!
Лайча ҳам бўш келмайди,
Вовиллайди турмай жим.
Дер:
— Бу менинг вазифам,
Билиб қўй, калтафаҳм!
Қўлингдан нима келар,
Тузукроқ ўйлаб боқ-чи.
Мен кичик бўлсам ҳамки,
Шу майдонга бир соқчи.
Мени севар Шодивой,
У уйимиз «каттаси»,
Гапларим уқ, шалпайган
Қулоғингдан акаси!..

СИЧҚОНВОЙНИНГ ТУШИ

Ўрмонга подшо бўлиб
Қолганмиш Сичқон, қаранг.
Дўқ қилармиш барчага,
Асаблари кўп таранг.

Йўлбарс икки букилиб
Турармиш хизматга шай.
Айёр тулкивой дермиш:
— Сиздан ўзим ўргилай.

Хартумига миндириб
Ўйнатармиш фил уни.
Тустовуқлар парвона,
Булбул эмиш мафтуни.

Ўрмонга нур ёйилиб
Қуёш чиқмиш эрталаб.
Арслон аста қучиб
Уйғотармиш эркалаб.

Бошида тож, яйрармиш,
Йўқ эмиш каму-кўсти.
Тулки, Бўри ёнида
Бўлиб қолганмиш дўсти.

— Улуғимиз Сиз,— дея,
Каркидон эгармиш бош.
Иззату эҳтиромда
Сичқонвой эмиш талош.

Осмондаги Бургут ҳам
Уни дея учармиш.
Катта-кичик илонлар
Шўх рақсга тушармиш.

Олапар тумшуғида
Унинг бошин силармиш.
— Омон бўлинг, подшоҳим,—
Дея иқбол тилармиш.

....

Сичқонвой туш кўради
Роҳат исканжасида.
Чўчиб уйғонса, э-воҳ,
Ётар эди питирлаб
Мушукнинг панжасида!..



ТАБИАТ ЖИЛОЛАРИ



ИЛДИЗ

Бир қизча оқ гулни кўксига босар,
Майин ҳид қалбига беради ҳузур.
Гулки, у қуёшдай тиниқлик сочар,
Олам тинчлигига айтиб ташаккур!

Майлига бағрингга босиб-босиб тўй,
Қувонгил, элимнинг эркатои қизи.
Ва лекин унутма, ҳарвақт билиб қўй:
Бўлмасди шунчалар чиройли, ҳушбўй,
Агар бўлмаганда ерда илдизи!..

ҚИШ КЕЧАЛАРИ

Чўнг осмонга қарайсан кулиб,
Паға-паға ёққанида қор.
Олам оппоқ гулларга тўлиб,
Оппоқ-оппоқ ястаниб боқар.

Кафтларингни тутасан шодон,
Шўхликларинг сиғмас қалбингга.
Зарра-зарра оқ шакар бу он
Эриб кетар қўниб лабингга.

Дала-қирлар оқ тўшак тўшаб,
Оқ кўйлақда олмоқдадир тин.
Олам оқ соч бобомга ўхшаб
Ёнбошлабди мулойим, сокин.

Бувим эртак бошлаб қолади
Узун-узун қиш кечалари.
Минг йилларни эсга олади,
Тоғлар ошиб, сув кечилади...

Бир пиёла иссиқ чой ичиб,
Сўнг дарчадан боқсанг мафтункер,
Осмон гўё заминга кўчиб,
Замин кўкка айланар бир бор.


Беҳад завқу чиройга тўла
Узун, сокин қиш кечалари.
Белига оқ белбоғни боғлаб,
Кутар шахрим кенг кўчалари.

Тонгга қадар билмайин тиним
Ёғиб чиқар паға-паға қор.
Кўзларингга табиат жим-жим,
Оппоқ-оппоқ кўзгуда боқар.

Тонг-саҳарда уйғонар дадам,
Йўлкаларда қолар излари.
— О, қиш яхши келди!— дер шу дам
Ва ёшланиб кетар кўзлари.

Тоғ ортидан қип-қизил қуёш
Бош кўтарар, оқ парда тутиб.
Болакайлар майдонга чопар
Совуқни ҳам тамом унутиб.

Олам эса ўша-ўшандай
Кийиб олган зарҳал тўнини.
Ким ҳам севмас қиш кечаси-ю,
Нурга тўла оппоқ кунини!



ЕНИМГА ТУШ, ОХУЖОН.

Баланд-баланд қоядан
Мағрур боққан, охужон.
Сен эртақ, ҳикоядан
Дилга ёққан охужон.

Кел, ёнимга туш, ошна,
Бирга ўйнайлик бир оз.
Чиройингга мен ташна,
Боқишингга ишқивоз.

Булоқ бўйига бирга —
Тушамиз,
Ичасан сув.
Сифмагандек кенг қирга,
Чопасан чаққон, оху!

Кел, дўстим, пешонангни
Силаб-силаб қўяй, ҳей.
Мунча шаҳло кўзларинг?..
Кўзларингга тўяй, ҳей!

Қўрқиб-қўрқиб боқма ҳеч,
Бунда овчи йўқ, оху.
Бахш этай сенга севинч,
Кўнглинг бўлсин тўқ, оху!

Кафтларимга қўйиб лаб,
Сўзларимга дегил, хўп.
Келганман сени излаб,
Айтадиган гапим кўп.

Чўчиб-чўчиб боқишни
Тамом ташла, охужон.

Гар тушмасанг, чўққига
Сен йўл бошла, оҳужон!

Мен ортингдан эргашиб,
Чиқайин тик тоғларга.
Дилимда завқим тошиб,
Мақтанай ўртоқларга.

Бермасман зарра озор,
Кўнглинг бўлсин хуш, оҳу.
Ёнингга чиқай бир бор,
Сен ҳам бир бор туш, оҳу...

Оҳу, оҳу, оҳужон...





БАЛИҚ ОВИДА

Тип-тиниқ кўл — бугунги сирдош,
Жимирлайди бир симоб янглиғ.
Кўл тубида қуёш олтин тош,
Хаёлимни тортар нечоғлиқ!
Дўстлар билан балиқ овлаш-чун
Сув бўйига келганмиз бу тонг
Ов баҳона, кўлга мен мафтун,
Табиатда минг куй, минг оҳанг.
Қирғоқ узра ёнбошлаб олиб,
Қулочкашлаб ташлайман қармоқ.
Пўкагига назарни солиб,
Дейман, балиқ илинсин тезроқ.
Аммо парво қилмас балиқлар,
Ярақлайди тангачалари.
Тўхтанг,
Тўхтанг бирпас балиқлар,
Танингизда қуёшнинг зари!
Ўртоғим дер ҳайқириб шу он:
— Э, қаранглар, илинди лаққа,
Қаёқдасан, ҳой-ҳой Қаҳрамон,
Кела қолгин сен ҳам буёққа!
Мен бўлсам-чи, парво қилмасдан
Тикиламан сувлар рақсига.
Сув тубида чопган балиғу
Сув юзида нурлар аксига!

ҲОВУЗ

Бувимларнинг боғида
Бор жуда катта ҳовуз.
Кун иссиқ — ёз чоғида
Биз роса чўмиламиз.

Бир ёни қатор ишком,
Бир ёни қовунполиз.
Бир ёнида чайла бор,
Энг ўртада шу ҳовуз.

Ҳархаша қилмасдан кўп
Тезроқ бўлақол Ҳофиз.
Кун ҳам исиб кетди хўп,
Бағрига олсин ҳовуз.

Кўк майса қирғоқ — лаби,
Шамол эсади ғиз-ғиз.
Юр, тиниқ — кўзгу каби
Сувларга кўмиламиз.

Завқ-ла боқиб бобомиз
Сўйиб берарлар тарвуз.
Маза қилармиз роса
Тарвузни тушириб биз.

Иштиёқ бўлса Сизда,
Юринг, бирга борамиз.
Бағрига чорлар ёзда —
Оромбахш, муздек ҳовуз.
Ҳовузда чўмиламиз,
Дурларга кўмиламиз....

ТУРНАЛАР АРҒИМЧОҒИ

Ёшингга ёш қўшади дўстлар билан боғ сайри,
Оёқларингга бошин суркар ялпиз, гулхайри.
Майсалар шивирида қолган кўнгиллар майли,
Яна боғдаман бугун дилрабо бу тонг чоғи,
О, осмонни безабди турналар арғимчоғи!

Қанотида ҳид ташир шўх шаббода бу тонгда,
Ҳаёт давом этади минг бўёқ, минг оҳангда.
Бир япроқнинг тасвири рассомга минг бир рангда,
Ҳар галгидек файзлидир сўлим боғлар қучоғи,
Тиниқ осмонда эса турналар арғимчоғи!

Лабни лабга улайди битта анжир донаси,
Анор тўкин бу боғнинг келини — дурдонаси,
Гўё гулгун оламдир ҳар боғбоннинг хонаси.
Деҳқон дер, ерга тушди қовун-тарвуз пўчоғи,
Тиниқ осмонда эса турналар арғимчоғи!

Чаманлар чиройини олиб кетманг, турналар,
Йироқ-йироқ юртларда қолиб кетманг, турналар,
Туну кун тинмай учиб, толиб кетманг турналар,
Ҳовлимга келиб қўнинг, кутай Сизни тонг чоғи,
Бўйнингизга осилай, турналар арғимчоғи!

ТЕРАКЛАР

Қарсак чалар бетиним
Улкан, мағрур тераклар.
Шапалоқ баргларида
Кумушранг нур ярақлар.
Шамоллар эртагини
Энг аввал тинглар улар.
Бизларга такрор айтиб —
Бериб, шўх-шўх шовуллар.
Тераклар, ҳой тераклар,
Мунча баланд бўйингиз?
Бугун менинг тилимда
Қўшиғингиз, куйингиз.
Сизлар — осмонга нарвон,
Юлдузларга тутган бош.
Бир елкада тўлин Ой,
Бир елкада чўғ Қуёш.
Сизлардек мағрур туриб,
Кулгим келар, тераклар.
Осмонга мен ҳам елка
Тутгим келар, тераклар.
Пешонамда нур ўйнаб,
Ловиллагим келади.
Сизлар каби бир умр
Шовуллагим келади!

Тераклар, о, тераклар...

КҮКЛАМ ШАБАДАСИ

Ёқимли тонг,
Ҳаво мусаффо.
Юрагимда қувонч бир олам.
Кулар дунё, кулади само,
Шодлигидан кулади Одам.

Пуркаб ўтар тонгги шабада
Бинафшанинг атир бўйини.
Сўнгра ташир боғлардан боққа
Тўрғайларнинг кўклам куйини.

Булутларни қир-далаларга
Бошлаб келар қучиб бўйнидан.
Эртак айтар гул-лолаларга,
Ором топиб майса қўйнидан.

Сўнгра менинг боғимда кезиб,
Тортқилайди олчам гулини.
Дарҳол унинг ҳазилин сезиб,
Аста тўсмоқ бўлдим йўлини.

Бўш келмай у тутар қўлимдан
Ва етаклар яшил боғларга.
Чучмомалар тердим йўлимдан —
Тортиқ бўлсин чин ўртоқларга!..

ОҚШОМ

Қишлоқ узра чўкди оқшом,
Табиат тинч олар ором.
Ботмагандир қуёш ҳануз,
Беркинмачоқ ўйнаб кундуз,
Тоғ ортига беркинади,
Чўмилгандай силкинади.
Ановиси катта айиқ,
Мановиси кичик айиқ.
Кўкда яна порлаб қолди,
Ҳузурига чорлаб қолди.
Кўзим каби қоп-қора тун,
Сой шовуллар бўлиб мафтун.
Бувим тунда айтар эртак,
Эртак-юлдуз, силкиб этак —
Сайр этармиш қишлоғимни,
Кезиб қиру ўтлоғимни.
Юлдузларга тўла осмон
Боқар эмиш кўкдан шодон!
Эгри-бугри тош кўчалар,
Кенг кўчага бош кўчалар
Тун қўйнида олар ором,
Оппоқ тонгга айтиб салом!
Оқшом қўнди қишлоқ узра,
Чўққида Ой олтин сирға.

ЯНА ЖИЙДА ГУЛЛАДИ

Яна жийда гуллади алангалар сачратиб,
Кумуш япроқларида нурлар рақсга тушади.
Атлас кўйлакни кийиб, боғ ичра ўйга ботиб,
Меҳмонгами келган бир қизалоққа ўхшайди.

Ўт пуркар карнайчалар таратади ҳуш бўйлар,
Тилла қўнғизлар унинг шарбатидан эмар бол.
Осмонга ўрлаб гулхан ҳаёт эртагин сўйлар,
Гўзалликни яратган табиатнинг ўзи лол.

Шохларини силкитиб атир ҳидлайди шамол,
Кўзларимга суртаман юмшоқ япроқларини.
Чарх уради пойида капалаклар шод-ҳушқол.
Гўё келинлар дея чорлаб ўртоқларини.

Шовуллаган дарахтлар ичра ял-ял товланиб,
Учқунларни сачратиб бир туп жийда яшнайти.
Ҳар бир гули куз келгач, оғзи маҳкам боғланиб,
Ичида устунни бор олтин қопга ўхшайди.

Боғда жийда гуллади, атлас кўйлакни кийиб...

ЁЗ КЕЧАСИ

Майин ва ёқимли бу ёз кечаси,
Кўча айланаман, қалбим этмиш ром.
Йўлимга тўкилар юлдуз парчаси,
Дегандек, салом!

Енгил шамол эсар, елкага ортиб
Боғу-чаманларнинг тотли ҳидини.
Қуёш тоғ ортига кетибди ботиб,
Ёпмиш бетини...

Бир юлдуз сочилиб кетиб кўк узра,
Туннинг чиройига қўшади чирой.
Тоғнинг қулоғига бўлади сирға
Чакичланган ой...

Гўё эртақдаги дев каби улкан,
Чўққининг сояси ёнбошлаб ётур.
Осмонда оқ булут — денгизда елкан,
Қулочин отур!

Қайдадир маърар қўй, кишнаб қўяр от,
Ёрни силкитмоқчи бўлиб тепар той.
— Доимо шундай ёш бу гулгун ҳаёт!—
Деб шовуллар сой.

Бир боғ пичанини елкага қўйиб,
Отам даласидан қайтади ҳориб.
Ойим чой узатар косага қўйиб,
У ичар қониб...
Йўлнинг чеккасида қатор тераклар,
Девдай салобатли тоғлар боқар жим.
Ором олмоқдадир яқин-йироқлар,
Яйрайди дилим!

ЧАРХПАЛАК

I

Тиним билмай қишу ёз, баҳор,
Пишқиради асов той анҳор.
Чархпалакни айлантирар у,
Челакларда улашгандек сув.
Тинмагандай бу чархи фалак,
Айланади тинмай чархпалак.
Гўё ишчи — елкада юки.
Тинмай ишлар — шу буюклиги!
Гўё бобо — лабида сеҳр,
Кафти узра улашар меҳр.
Гўё она — ташна лабларга,
Интизору ошна қалбларга
Бахш этгандек бор бисотини,
Титраб тўкар гул ҳаётини!
Унга боқиб турганча бир пас,
Ёш қалбимда уйғонди ҳавас.
Айланавер, момо чархпалак!
Айланавер, бобо чархпалак,

II

Чархпалакка боққан чоғимда
Кўз ўнгимга замон келади.
Хаёлимга чексиз само-ю,
Минг юлдузли осмон келади.
Назаримда, она курра ҳам
Қуёш билан бирга чархпалак,
Чархпалакдан иборат олам,
Ой ҳам сирға ерга, чархпалак.
Хонам узра ёниб турган нур
Чархпалакнинг кучи, ишидир.
Чархпалакка айтай ташаккур,

Чархпалак ҳам деҳқон кишидир,
Чархпалак бу — тегирмон тоши,
Чархпалак бу ҳаётнинг боши.
Чархпалак бу — дил тилаги бу!
Ҳатто инсон инсон қошида
Чархпалакдек айланар мудом.
Дунё ҳали йигит ёшида,
Демак ҳаёт этади давом!
Айланавер, бобо чархпалак,
Айланавер, момо чархпалак!

III

Бобомнинг ҳам бўлган бобоси,
Момомнинг ҳам бўлган момоси.
Ҳаёт гўё чархпалак мисол —
Давом этиб келади ҳалол.
Айланади фасллар, йиллар,
Айланади давомли йўллар.
Айланади эллар, насллар,
Дақиқадек бўлиб асрлар!
Боламнинг ҳам бўлар боласи,
Тоғаси-ю, амма-ҳоласи!
Боласининг бўлар фарзанди,
Кўзларининг нури, дилбанди.
Ҳаёт шундай этади давом,
Чархпалакдек айланиб мудом!
Айланавер, бобо чархпалак,
Айланавер, момо чархпалак.

ДЕНГИЗ БҮЙИДА

А. Бакарни ўқиб...

Ота-бола дам олмоқ учун
Йўл олдилар денгиз бўйига.
Бола сувга боқаркан мафтун,
Қулоқ тутар мавжлар куйига.

Пишқиради белоён денгиз.
Йироқларга чопар тўлқинлар.
Қирғоғига яқин борсангиз,
Оёғингиз ўпар тўлқинлар.

Отасини қучиб болакай,
Хаёлларга чўмади бир зум.
Гоҳ кўзида учқур чағалай,
Гоҳо сувда йилтиллаган қум.

Бу кенгликдан ақли бўлиб лол,
Зарраларга тутар қўлини.
Ҳеч тугамас, завқ ила иқбол
Чулғаб олар жажжи дилини!

Ҳовучини сувга тўлдириб,
Бёши узра сочади аста.
Кулар, ҳатто сувни кулдириб,
Денгиз унга боқар ҳавасда!

Денгиздан бош кўтариб қуёш,
Яна шўнғир денгиз қаърига.
Улкан қуёш — мавжларга сирдош,—
Қандай сиғди сувнинг бағрига?!

Пароходлар гугурт қутидек
Сув кўксида алқиб кетади.
Қирғоқ узра бола туриб тик
Қўл силкитди,
Уни кутади.

Сўнг сўрайди отасидан у:
— Денгиз нима? Берингиз жавоб.
Ота ўйлаб дейди:
— Денгиз — сув,
— Йўқ!— деб бола кулади шу тоб.
— Тополмадим, ўзинг айтақол!—
Эркалайди ота ўғлини.
— Қийин экан сен берган савол,—
Билмоқ бўлар бола кўнглини!
Хаёлларга чўмгандек бўлиб,
Дер болакай:
— Жавобимдир шу:
Денгиз менга боқаркан кулиб,
Денгиз эркин, озод бўлган сув!

ОҚ БУЛУТЛАР

Оқ булутлар, оппоқ булутлар,
Юзларимни силар шамоли.
Далаларга барака-қутлар,
Елкангизда ернинг иқболи!

Бўйнингизга миниб олиб ман,
Олис учгум тик тоғлар оша.
Тўймай боқиб ёш юрак билан
Юрт чиройин қилгум томоша!

Баланд учган варрагим янглиғ,
Бошим узра чарх урасиз шўх.
Кўксингизга қуёш санчса тиг,
Тўкиласиз мисоли қўшиқ!

Оқ мрамардай оппоқ булутлар,
Сиз майсалар томирига қон.
Гўё оппоқ қанот бургутлар —
Парвоз қилар тўлдириб осмон!

Оқ булутлар!

Кўк узра туринг,
Сиз лабимга томган бир томчи.
Сиз барг узра ялт этган шудринг,
Япроқларга савалган қамчи.

Оқ булутлар — оқ шойи рўмол
Тик чўққининг бошларида у.
Илма-тешик бўлар, тушса нур,
Ва тўкилар бошим узра дув...
Оқ булутлар,

Оппоқ булутлар!..

Юмшоқ булутлар...

БУҒДОЙЗОР ҚУШИҒИ

I

Дехқон сепди қирларга буғдой,
Деб, гавҳар бу — элим ризқ-рўзи.
Ҳар дон ерга бағишлаб чирой,
Оппоқ тонгда очилди кўзи.

Япроқ ёзди ўсиб кунма-кун
Ва юксакка чўзди бўйини.
Сўнг шода нур — қуёшга мафтун,
Созлар эди ҳаёт куйини.

Осмон йиғлар, далалар эса
Қаҳ-қаҳ отиб куларди шодон.
Кўз ёшидан олгандай бўса,
Бошоқларда нур ўйнар бу он.

Буғдой тикка ўсди кўп мағрур,
Яшнаб кетди водий тоғ-тоши.
Фақат дони сув йиғгач бир қур,
Аста-аста эгилди боши!

II

Уфқларга туташган дала,
Тебранади бошоқлар шодон.
Кўз қамашар боқилган палла,
Она юртим бағри тўла дон.

Қиздиради ёзнинг қуёши,
Нур мангулик ҳаёт дейилган.
Нурни эмган бошоқлар боши,
Она-Ерга томон эгилган!

Ҳар бир бошоқ гўё қопини
Орқалаган деҳқонга ўхшар.
Қопга жойлаб қалб — офтобини,
Холис, эзгу ниятда яшар!

Олтин денгиз тебранади жим,
Олтин мавжлар ерга ярашар.
Ҳар бир бошоқ олтин тўла хум,
Бойлигини элга улашар.

Товланади бошоқлар ял-ял,
Омборларга тўла бўлур дон.
Буғдойзорни қилолган гўзал
Менинг отам — миришкор деҳқон!

СУҲБАТ

— Ада, қаранг, денгизни кимдир
Тебратмоқда,

Бешикмикан сув?

Ёки борми бунда бирор сир,
Чайқалади тўкилгудек у!

Бир дақиқа билмайди тиним,
Қирғоқларни ўпиб шовуллар.
Ҳеч кўрмадим бўлганини жим,
Гоҳ қўйнида қуёш ловиллар.

Ўркач-ўркач тўлқинларига
Қаранг, қўнмиш балиқчи қушлар.
Сув ёнбошлаб қирғоқ бағрига,
Она ерни ўпиб олқишлар.

Нега Қора денгиз дейдилар,
Қора эмас экан-ку, қаранг.
Мовий,

тиниқ,

гоҳда олтин-зар,

Уфқлари кўринар аранг.

Яшил,

сарик,

олов ранги бор,

Қоралигин кўрмадим аммо.

Сув пишқирар —

қирғоқларми тор?

Шовуллайди тинмасдан асло.

— Балли, дейман ўғлимни қучиб,

Денгиз — бола,

сен каби шўх у,

Чағалайлар бошида учиб,

Чайқатади,

чайқалади сув!

Тошни ўйнаб шарақлатади,

Сендек у ҳам билмайди тиним.

Қучоғида қуёш ётади,

Шундан ҳеч вақт бўлолмайди жим.

Тўғри айтдинг, қора эмас у —

Мовий денгиз,

тилларанг денгиз.

Қара, удир осмонга кўзгу,

Бепое ну беқиёс, тенгсиз...

Денгиз — бешик,

тебратар шамол,

Қирғоқларни ялар тўлқинлар.

Она-Ерга бош қўймоқликни

Дил-дилидан тилар тўлқинлар.

Қирғоқдамиз,

оёғимизни

Қучмоқ истаб интилади сув,

Уни тортиб олмоқ бўлсак биз,

Бошимиздан сочади инжу.

Чўнг денгизга шўх тикилганча

Ўғлим бир зум жим қолди, аммо

Сув мавжлари шовуллаганча

Сокинликни билмайди асло...

УРМОН ҒМҒИРИ

Шаррос ғмғир қуйди ўрмонда,
Сув қуйилди челақлаб гўё.
Дарз кетдими булут осмонда,
Океанми кўк юзида ё?

Дарахтларни ювар томчилар,
Силкинади барра ўтлар ҳам,
Япроқларни ғмғир қамчилар,
Илдизларга шимилади нам.

Оқ қарағай яланғоч бўлиб,
Шўх силкиниб тарайди сочин.
Мангу яшил арча ҳам кулиб,
Томчиларга очар қулочин!

Фақат чумчуқ силкиб қанотин,
Бирор пана жойни излайди.
Макон этиб ўйнинг бўғотин,
Тезроқ тинсин дея кўзлайди.

Ғмғир эса савалар ҳамон,
Момиқ тупроқ кўксини очар.
Океанни шимирган осмон
Дурларини ер узра сочар!

ЧАҚМОҚ

Ярқ этди-ю бир зумгина у
Теваракни этди чароғон.
Тош тушганда сачрагандек сув,
Чўғлар сочиб ёришди осмон.

Гулбахорнинг сўлим оқшоми,
Япроқларни ювар томчилар,
Кўкнинг ерга таъзим — саломи,
Она-Ерни севар томчилар.

Ёмғир тинар.

Момақалди роқ —
Мовий кўкда яна урар бонг.
Ёнар, сўнар кетма-кет чақмоқ,
Бўшлиқларга сачраб кетар ранг.

Чамоқ чақнар.

Шудгор кўйнида
Нурга кўзин очар бойчечак,
Гул ҳаётнинг меҳри бўйнида,
Муаттар бўй сочар бойчечак.

Чақмоқ чақнар.

Бир тўп боланинг
Шодликлари сизмас кўчага.
Кўлларида қизил лолани
Фонус дея атай кечага.

Чақмоқ чақнар.

Ҳовуч-ҳовуч нур
Бошим узра ёғилар бир зум.
Енгил ҳаво бахш этар ҳузур,
Кўклам кўкда қилар табассум.

Ният қилар момақалди роқ:
Осмон узра ёқсам деб чироқ.
Гугурт чертган каби этди ярқ —
Чақмоқ,

Чақмоқ

Ва яна чақмоқ!

Ҳа, чақмоққа келар ҳавасим,
Бир зумгина яшару,

аммо —

Табиатни уйғотар маъсум.
Гулбахорни элтар доимо!
Чамоқ чақнар.

Осмон белига

Камалакдан боғлайди камар.
Боқсам кўкнинг нурли йўлига,
Қалбим ҳаёт завқини эмар.

Осмон узра бир оний чироқ,
Чақмоқ,

Чақмоқ,

Ва яна чақмоқ.

МАКТАБ ҚОРОВУЛИ

Кутиб оларди ҳар тонг
Бизларни қучиб шодон,
Мақтабимиз эшиги
Олдида қоровул чол.
Нуронийки, соч-соқол —
Қордай оппоқ бир инсон,
Аммо қадди тик ҳамон,
Яноқлари ҳамон ол.

Тонг-сахарлаб бобонинг
Ҳузурига шошардик.
Биринчи сўзимиз ҳам —
Тонгдек содда:

— Ассалом!

Кунлар ўтиб бирма-бир,
Биз довлар ошардик,
Бобонинг ўғитларин
Дилларга жойлаб мудом!

Байрам кунлари бобо
Даврада ўйнар эди,
Ҳаммага бирдай сўзи:
«Болам-бўтам, ўргилай!»
Бурчакда катта човгум
Вақирлаб қайнар эди,
О, мунчалар ширин-эй
Бобо тутган қултум чой.

Деярли ҳаммамизнинг
Исмимизни биларди,
Неча баҳо олдинг деб
Сўрар эди ҳар куни.
«Беш» олганда у доим

Суюб бошин силарди.
Бобога ҳамма сирдош,
Ҳамма севарди уни!

Соқолини силаб у,
Гоҳо ёшланиб кўзи,
Афсоналар тўқирди,
Айтиб берарди эртак;
Бола бўлиб кетарди
Болалар ичра ўзи,
Бизлар билан ўзига
Топар эди бир эрмак.

Чўнтагини тўлдириб
Қурт олиб келар эди,
Улашарди ҳар тонгда
Болаларга баробар.
Бизларнинг севинчларга
Қўшилиб кулар эди,
Қиқирлаб ҳайқирарди:
«Яшанг Фаррух, Гул, Лобар...»
Ҳашар бўлган чоғларда
Бобо бўлар эди бош,
Бир қўлида челагу
Бир қўлида белкурак.
Дерди:— Ширин туюлар
Меҳнат қилиб ичган ош,
Гул ҳаётда ҳамманинг
Ўрни бўлиши керак!

Қиш чоғлар осмон ерга
Оппоқ зарлар сочарди.
Шунда бобо киярди
Эгнига оппоқ пўстин.
Курак билан қорларни

Титиб йўллар очарди
Теварагига тўплаб
Бизлардек қайноқ дўстин.

Бизлар эсак у очган
Ўша йўллардақ ўтиб,
Улғайдик, ортимизда
Қолибди ўша йиллар.
Ҳаёт йўли бошида
Бобо қўлини тутиб,
Дегандек бўлар ҳамон —
Кулинг, қизу ўғиллар!

Йиллар-ку кетди ўтиб,
Мени чулғайди хаёл:
У мактаб қоровули
Эмас экан аслида,
Одобга посбон экан,
Улашган экан ҳаё,
Унинг меҳри қолибди
Минглаб инсон наслида.
Мактабга тушиб йўлим,
Кирдим, бобо жойида —
Йўқ эди, фақат човғум —
Биқирлаб қайнар эди.
— Салом!— дедим, бу менга
Ўша дамги қонда,
Атрофда уч-тўрт бола
Бепарво ўйнар эди...

ЎЗБЕКИСТОНДАН САЛОМ!

Қуёш юрти аталган эл, бизнинг она диёр бу,
Унга улкан меҳр билан боқиб турибди олам.
Меҳнат аҳли юрагида тугамайди ҳеч орзу,
Орзу юрти бўлмиш бизнинг Ўзбекистондан салом!
Салом, салом, Ўзбекистондан салом!

Бу юртнинг ҳар хонадони яшар гулгун ва обод,
Боғ-роғларин таърифига асло тугамас калом.
Қуёш ва Ой осмонида парвонадир умрбод,
Қуёш юрти аталмиш бу Ўзбекистондан салом!
Салом, салом, Ўзбекистондан салом!

Ўзбек деса — пахтакор деб бошга кўтарар дунё,
Коинотга ҳам таралди олтин юрти деган ном.
Бу ўлкада яшар мангу толе ва бахт, муддао,
Толе ва бахт юрти бўлмиш Ўзбекистондан салом!
Салом, салом, Ўзбекистондан салом!

ҚИШЛОҒИМ

(Туркумдан)

1. ҚИШЛОҚ МЕҲРИ

Она қишлоқ, қадрдон қишлоқ.
Сенда ўсдим бахтиёр-қувноқ.
Мен сенга чин фарзандман — фарзанд,
Сени севдим юракдан ҳарчанд.
Тоғларингни сайр қилдим кўп бор,
Боғларингни кезганман такрор.
Булоғингдан ювганман юзни,
Чўққиларга тикканман кўзни.
Қирларингда боққанман пода,
Сочларимни ўнган шаббода.
Чўмилганман шўх анҳорингда,
Гул терганман навбаҳорингда.
Сенда ичдим сут, қатиқ, қаймоқ...
Она қишлоқ, қадрдон қишлоқ.
Сувларингга тикилиб узоқ,
Ўйнар эдик бизлар оқизоқ.
Гоҳо бўлиб қолганда ташна,
Тайёр эди муздайин чашма.
Баланд эди бургут парвози,
Сенда жўшқин шўх найнинг сози!
Тоғлар юрти она қишлоғим,
Боғлар юрти, чаман қучоғим.
Тоғлар, тоғлар!
Кунгира тоғлар,
Тоғлар бағри олмазор боғлар.
Қишлоқ, сенга қўшиқларим бор,
Мадҳинг куйлар дилимдаги тор.
Сени десам, боғлар кўринди,
Ширин ёшлик чоғлар кўринди,



Улкан улкан тоғлар кўринди.
Сени десам, баҳор кўринди,
Жўшқин,
 тошқин анҳор кўринди.
Чўққидаги оҳу кўринди.
Зилол сувли Кўксув кўринди.
Туйғуларим оқсин дарёдай,
Туйғуларим сингсин зиёдай.
Сенга дилдан қуйилар дoston,
Эй қишлоғим!

Азиз, меҳрибон!

2. ГУЛХАН

Асов Анҳор қиргоғи,
Атроф гул, чаман.
Ўнг тараф Чимён тоғи,
Ўртада гулхан.
Туннинг пардасин йиртар
Ловиллаган ўт.
Юлдуз сочар маъюс зар,
Кўкда йўқ булут.
Чирт-чирт ёнар шох-шабба,
Қўшиқ баралла.
Эсиб ўтар шаббода,
Қўйнида ялла.
Гулхан лов-лов ёнади,
Гўё ёнар тун.
Атроф оловланади,
Само ҳам мафтун.
Дўстлар гулхан ёнида
Қурамуз давра.
Завқ оламуз, юракда
Губор йўқ зарра.
Гоҳ қийқириб, жўр бўлиб
Айтамуз қўшиқ.
Юлдузларга термилиб
Дил завққа тўлиқ.
Ҳаяжонланиб шу дам,
Айтаман бир-бир:
— Тингла, она қишлоғим,
Тингла, она-Ер:
Мен сенинг бир ўғлингман,
Эй, она қишлоқ!
Мен сенинг бир ўғлингман,
Хушчақчақ, қувноқ.
Шодликларим мавж урган,
Яйраган танзим.

Сен мангу уриб турган
Дилимсан маним.
Ўсиб инженер бўлай
Сен учун, қишлоқ.
Кўксингда қад кўтарсин
Биолар кўпроқ.
Сен бўласан гул шаҳар,
Янги, навқирон.
Қўйнингда биз яйраймиз
Доимо омон.
Тоғ бағрида зўр шаҳар
Кўтарганда қад,
Биносига қўярман
Мен ҳам ёишт, албат...
Асов Анҳор қирғоғи,
Атроф гул, чаман.
Ўнг томон Чимён тоғи.
Ўртада гулхан.

3. ҚИШЛОҚ БАҲОРИ

Қишлоқда бўлганмисан
Айни баҳор чоғ?
Хилма-хил гуллар чаман,
Қучоқ ва қучоқ.
Лолаларга бурканар
Адирлар, тоғлар.
Баҳор сайлига чиқар
Барча ўртоқлар.
Гуллайди оппоқ бўлиб
Бодому гилос.
Табиатга суқланиб
Боқасан бехос.
Лола юрти, гул юрти
Баҳорда қишлоқ.
Қуёш юрти, дил юрти
Баҳорда қишлоқ.
Гулдан асаларилар
Эмар тўймай бол.
Олмазорни айланар
Тонгда боғбон чол.
Қалдирғочлар чертиб куй,
Толда вижирлар.
Ариқларда бошлаб тўй,
Сув ҳам жимирлар.
Қишлоқда бўлганмисан,
Айни баҳор чоғ?
Бўлмаган бўлсанг, келгин
Гул фасли, ўртоқ!..

4. ЧИНОР ВА БУЛОҚ

Қишлоқнинг четида бўй чўзмиш чинор,
Сарвқомат,
басавлат,
сервиқор.
Баргларини ўйнайди еллар,
Мағрур турар чинор кўп йиллар.
Япроқлари ҳарвақт ям-яшил,
Боқсанг чексиз қувонади дил.
Чинорнинг тагида қайнайди Булоқ,
Қайнайди соз,
Қайнайди ҳар чоқ.
Қайнайди у, билмайди тиним,
Қайнайди у, аммо сокин, жим.
Мангуликка бўлибди ўртоқ
Қишлоқ кўрки Чинор ва Булоқ.
Туришаркан ёнма-ён қувноқ
Қишлоқ кўрки Чинор ва Булоқ.
Дейдиларки, Чинор тагида,
Чинор ўсган тоғ этагида
Бир ботирнинг қабри бор эмиш,
Чинор Булоқ унга ёр эмиш.
Ботирларча қўйган эмиш бош,
Гувоҳ эмиш бунга ҳар бир тош.
Гувоҳ эмиш қайноқи Булоқ,
Гувоҳ эмиш адиру ўтлоқ...
Дейдиларки, ботир Шерали,
Ёш бир йигит,
жуда ёш ҳали
Бир отряд тузибди ўзи,
Олисларни кўзлабди кўзи.
Босмачилар халқни эзаркан,
Оч ит каби элни кезаркан.
Мажақлабди улар йўлини,
Синдирибди ифлос қўлини.

Аммо бир кун мард ўзи якка,
Халқ меҳрини солиб юракка,
Булоқ ёни, Чинор тагида,
Шу зўр тоғнинг қоқ этагида
Аблаҳларга келиб қопти дуч.
Шер бир ўзи.

Уларда кўп куч.

Якка ўзи олишибди хўп,
Олишибди, олишибди кўп.
Охир қулаб, қурибди мадор,
Аммо қалбда гул қишлоқ-диёр...
Шу қишлоқни, шу Булоқни деб,
Шу Чинорни, шу ўтлоқни деб,
Лолзорлар, олмазорлар деб,
Қуёш сочган оромбахш зар деб
Юмган экан мангу кўзини,
Шод ҳис этган экан ўзини.
Шу тоғларни, шу боғларни деб,
Қадрдонлар, ўртоқларни деб,
Зилол сувни ва оҳуни деб,
Ширин-ширин ҳис-туйғуни деб.
Мағрур тутган экан бошини,
Кўрсатибди чин бардошини.
— Шундан бери шу Чинор таги,
Қайнаб турган Булоқ этаги
Ботир ўлган ёдгорлик жоймиш,
Таърифларга жуда ҳам боймиш.
Шундан бери шу улкан Чинор
Ботир учун эмиш бир ёдгор.
Шундан бери шу зилол Булоқ
Эмиш дилдай ҳамиша қайноқ.
Кунлар ўтиб, тонглар отармиш,
Булоқ ҳамон қайнаб ётармиш.
Шу тупроқни, шу шўх Булоқни,
Шу қишлоқни, шу қир ўтлоқни
Севган одам яшармиш ҳар чоқ,

Шунинг учун қайноқмиш Булоқ,
Шунинг учун шу улкан Чинор
Яшар эмиш доим сервиқор.
Қишлоқ кўрки Чинор ва Булоқ
Усар, қайнар ёнма-ён, ўртоқ!

5. АНҲОРЖОН, АНҲОР!

Қишлоқ, Анҳор белинга
Зилол белбоғинг.
Анҳор билан яшнайти
Қўйнинг, гулбоғинг.
Чўққилардан оқади
Анҳоржон, анҳор.
Оқиб элга ёқади
Анҳоржон, анҳор.
Қирғоққа гул тақади
Анҳоржон, анҳор.
Қишлоқ сенга боқади
Анҳоржон, анҳор.
Анҳоржон, анҳор.
Қучоғингда яйрайман
Ҳар йили ёзда.
Сувларингда чўмилсам
Маза-да, соз-да!
Қишлоқ қўйнида оққан
Анҳоржон, сенсан.
Қирғоқларга гул таққан
Анҳоржон, сенсан.
Оғушинга келсам ман
Қиламан ҳавас.
Сендек она қишлоқдан
Ололсам нафас.
Сен каби қишлоғимга
Тақсам гул, чечак.
Шу нарсани истайди

Навқирон юрак!
Қишлоқ, Анҳор белинга
Олтин белбоғинг.
Унинг билан яшнайти
Боғинг, ўтлоғинг...

6. ЧЎҚҚИДА

Чўққиларга чиққанман кўп бор,
Чўққиларнинг бошида баҳор.
Унда мангу эриб турар қор,
Чўққиларнинг бошида баҳор.
Чўққиларнинг оҳулари соз,
Живир-живир инжулари соз,
Шиша суви — кўзгулари соз,
Юрагимда туйғулари соз.

Тош устида ўлтириб узоқ,
Қишлоқ, сенга тикканман кўзни.
Мунчалар ҳам гўзал гул қишлоқ,
Чексиз шодон сезганман ўзни.

Қишлоқ, сенинг ўғлингман асли,
Қишлоқ эмас, бир чаман шаҳар.
Сенда мангу гулбаҳор фасли,
Ҳаёт қайнар ҳар тонг,
ҳар саҳар.

Истагим бор:— тоғ жилғасидек
Қишлоғимнинг қўйнида оқсам.
Қани энди чўққида туриб,
Тошда ўлтириб
Чиройига умрбод боқсам!..

ЭРТАКЛАР



БИЛЛУР ВАЗА

[Сергей Михалковдан]

Излаб-излаб,
Танлаб-танлаб,
Тополмасдан бирдан уни,
Уч қизалоқ —
Уч мактабдош
Сотиб олди бу вазани.
Шаффоф ваза,
Биллур ваза,
Ажойиб шишадан бу.
Магазинда ягонадир,
Тоза биллур,
Юм-юмалоқ,
Тип-тиниқки мисли кўзгу.
Магазиндан энг аввало
Зина қучиб олди қўлга.
Боши узра элтиб борди —
Тамара қиз катта йўлга.
У чарчагач, қўлларидан —
Женя олиб, ташлар қадам.
Ва беҳуда бир ҳаракат —
Бирдан...
Бирдан!
Қиз кўзлари тинар шу чоғ,
Булут қоплар кўк юзини.
Синиқ ваза бўлагида
Қуёш кўрар бир ўзини.
Уч қизалоқ,
Уч мактабдош
Кўприк узра қотишар тик...
Милиционер келар шунда,
Тапиллатиб катта этик:
— Нима бўлди, айтинг бизга?

— Қўлдан тушиб синди ваза!
— Уч қизалоқ кенг кўчада
Ҳайрон бўлиб боқиб турар.
Уч ўртоқни гир атрофдан
Зум ўтмаёқ одам ўрар:
— Нима бўлди, қизлар изза?
— Қўлдан тушиб синган ваза!
— Қай воқеа бўпти содир?
Нега одам тўпланишган?
— Қандайдир бир шиша, қизлар
Қўлларидадан ерга тушган!
— Йўқ, шишамас!
Биллур ваза,—
Деб чуғуллар уч қизлоқ.
Совға учун олган эдик,
Бир синфдан учта ўртоқ.
Совғани-ку, олдик бошлаб
Лек синдирдик,
Синди шиша.
Мана энди ваза ҳам йўқ,
Пулимиз ҳам йўқ олишга!
— Ох, қандайки ёмон иш бу,—
Деган шовқин тарқалар тез.
— Чегалаб ҳам бўлмас буни!—
Дейди шофёр,—
Эмас бу жез!
— Ёмон бўпти ҳақиқатдан!—
Қўшиб қўяр уста бобо.
Гапга гапни улар боксёр:
— Беҳуда иш.
Ёмон.
Об-бо!
Ваза турган магазинда
Ўша катта гавжум хона.
Тўс-тўполон,
Одам сероб,

Ҳаммасида бир баҳона.
Учувчидан майоргача,
Ҳисса қўшай дея пича.
Шу ердадир машҳур шахтёр,
Ҳамма шунда,
Ҳатто шофёр —
Кетолмасдан асло нари,
Битта нарса олар бари!
Осиқ турар катта эълон:
«Билур шиша, тоза чинни».
Харидорлар ҳаяжонда,
Тортишади уни-буни:
— Қуббадорни беринг менга!
— Буни эмас, анов ёрқин.
— Балки дўстлар, яхшироқдир
Қизил рангли, ана, боққин.
— Пастдагисин олинг бизга!
Бари гўзал биллур ваза!
— Оғайнилар, бу кичикроқ!
Деб эътироз айтар бири.
Кўм-кўк рангли чўнг вазага
Тушар шофёр кўзин қири.
Учувчиси эса тамом —
Мовий рангни дер вассалом!
— Менга эса яшил ёқар,
Дея боксёр аста боқар.
Гўзалларнинг гўзали у.
Қаранг, тиниқ биллур кўзгу!
Уч қизалоқ,
Уч синфдош
Ғарқ бўлишган ҳаяжонга,
Уч тоннали машинада
Кетишмоқда қай томонга!
Йўл очади машинага
Ўша таниш милиционер,
Женя, Зина, Тамарага —

Бош тибратиб нимадир дер!
Шодланади қизлар қалби,
Учта юрак — гўё бир жон,
Кабинада ноёб совға,
Етиб борсин энди омон!
— Ҳой, Гриша амакижон,
Машинани ҳайданг секин!—
Деб кабина ойнасини
Чертар қизлар,
Шодон, лекин!
Кулиб қўяр шофёр эса:
— Бизда асло синмас шиша!
Тингланг жажжи, ширин қизлар:
Ардоқлармиз сизни бизлар!
Азиз камтар ўқитувчи
Олтмиш ёшга тўлган бу кун,
Тортиқ қилди шўх болалар
Биллур ваза — нурли, бутун...
Мактабнинг кенг, ёруғ зали
Гувоҳ бўлди бунга чиндан.
Аммо бундай ноёб совға
Айтиб беринг:
— Кимдан?
— Кимдан?!
— Бир-бирига мангу иноқ
Оддий совет одамлари
Шофёр, шахтёр, ишчи, доктор...
Эл ғурури бари-бари —
Совға этди бу вазани!
Дўстлик ипи ҳеч узилмас
Ҳар ўқувчи, ҳар пионер,
Муаллимга, мамлакатнинг
Ешларидан бу тортиқ, дер!

ЧУМОЛИЛАР ЖАНГИ

I

Тоғ ёнбағри, соф ҳаво,
Шовуллайди ўрмонзар.
Урмоннинг бир четида
Бўй чўзмиш улкан чинор.
Бу даргоҳда яшайди
Йўлбарс, айиқ ва тулки.
Шохдан-шоҳга сакраган
Маймун бўлибди кулки.
Қушлар базмин қуришар
Саъва, чумчуқ, зағизғон,
Бу ерда баланд чўққи,
Аммо жуда паст осмон.
Улкан чинор тагида
Ин қурмиш бир оила.
Бу ишчан чумолилар,
Яшар аҳил, қойил-а!
Эртадан то кечгача
Тиним билмайди улар.
Бир-бирига ҳамкорлик
Билан ўтади кунлар.
Ўртада бир қулту, сув,
Ўртада бир чимдим ош.
Чумолилар отаси
Ҳар юмушда ўзи бош.
Бир ушоқни кўплашиб
Судрашади эринмай.
Ниманидир кўзлашса,
Тоғ ошади эринмай.
Ёз бўйи тер тўкишар,
Катта-кичик баробар.
Уйга ташиб келишар
Елкаларда неки бор.

Оқ қанотли чумоли
Уйда доим парвона.
Чунки у барчасига
Мўътабар азиз она.
Биронта ҳам бекорчи
Топилмас улар ичра.
Шунданми, ҳаётлари
Ёмон кечмайди сира.
Кўплашиб ҳар юмушни
Албатта бўлдиришар.
Қиш ғамини ёзда еб,
Омборни тўлдиришар.
Турнақатор бўлишиб,
Барчаси хизматга шай.
Ҳатто улкан тоғни ҳам
Ошиб ўтар эринмай.
Улар офтобга чиққач,
Гул фасли ҳам келади.
Баҳор келганин ҳам энг —
Аввал шулар билади.
Уларга писанд эмас
Саратоннинг иссиғи.
Бу эртак ҳам аслида
«Чумолилар қўшиғи»

II

— Бобо!— дер ҳовлиққанча
Мўйлабдор чумолича,—
Сизни ташвишга қўйиб,
Хабар келтирдим пича.
Бизнинг Чинор шохига
Ўргимчак қурмиш уя.
Уя қурса ҳам майли,
У тинч яшасаку-я,
Сизга айтмас эдим ҳеч,

Аммо у аблаҳ, қаранг —
Ҳар томонга тўр ташлаб,
Тузоқни қилмиш таранг.
Синглим Қорақош унинг
Қармоғига илинди.
Бу ҳолни кўриб, бобо,
Менинг қалбим шилинди.
Тезда ёрдам бермасак,
Ҳалок бўлур сингилжон.
Биласиз у ҳали ёш,
Кучи етмас ва нимжон.
Дарғазаб бўлиб кетар
Шу пайт ота чумоли:
— Оҳ, шундайин бўлдими
Ширинтойим аҳволи?!
Қани, акангга буюр,
Жар солсин карнай чалиб.
Ҳамма йиғилсин тезда,
Қўлига қурол олиб,
Ярамас Ўргимчакнинг
Роса берайлик додин.
Дарахтдан қуритайлик
Текинхўрликнинг отин.
Бериб қўймасмиз асло
Фарзандимиз тузоққа.
Лашкарбошилар қани,
Ҳамма турсин оёққа!

III

Тўп-тўп бўлиб, саф тортди
Ёшларию қариси.
Душман сари отланди
Бир оила бариси.
Бирин қўлида калтак,
Бири олди тараша.

Кичиклар ҳивич тутди,
Ҳар ким ўзига яраша.
Қора мўйлов дарғазаб,
Ҳаммасига бир бошлиқ.
Асосий ғалаба ҳам —
Ҳужум қилишга боғлиқ.
Тузилди тўрт отряд,
Тўрт тарафдан ҳужум-чун,
Босқинчи билиб қўйсин.
Чумолилларнинг кучин.
Лашкарбоши олдинда,
Ҳужум бошламоқ даркор.
— Олға!— деган ҳайқириқ
Такрорланди шиддаткор.

IV

Ўргимчак тўрин ёйиб,
Ўлжасидан бўлур шод.
Бир мазали чумоли
Кўнгилни этар обод.
Қават-қават тўрига
Қорақошхон бойланди.
Ўлжасин атрофидан
Такрор-такрор айланди.
Насибаси ҳам тайёр
Оқшом чоғига энди.
Хўп мазали чумоли —
Тузоғига қул — банди.
Айланади гир-гир у,
Чириллаб айтар қўшиқ.
Бугунги қўшиғи ҳам
Қувончига қоришиқ:
«Чинор шохи мен учун
Қароргоҳдир жуда соз.
Ҳар япроқда тузоғим,

Шундай ўтар қишу ёз.
Ҳаётимдан ўргилай,
Камситмади мени ҳеч.
Текин таом ошайман
Бу дуёда эрта-кеч!»

V

Эх, бу ҳаёт мураккаб,
Унда бўлмас нималар.
Саф-саф бўлиб чумоли
Шохдан-шоҳга ўрмалар.
Ўргимчак безовтали
Уён-буён қарайди,
«Ур-ҳо, ур-ҳо, қани ур!»
Деган садо янграйди.
Гўё қора булутдай
Чумолилар келмоқда.
Йўлдаки, не тўсиқ бор —
Топтамоқда, юлмоқда.
Айёр ўргимчак тезда
Ҳийла ўйлаб топади.
Пўстлоқ ичига кириб
Кўринмасдан ётади.
Тузоғини қолдирар
Чумолилар йўлида.
Ҳар эҳтимолга қарши
Ҳанжар тутар қўлида...

VI

Тузоқлар йўл-йўлакай
Парчин-парчин бўлади.
Аммо уч-тўрт чумоли
Жанглар аро ўлади.
Қоп-қора аждарҳодай

Босиб келишар бари.
Сингиллари сари йўл
Очиб келишар бари.
Ниҳоят Қорақошни
Қутқарарлар ва лекин
У беҳуш-чала жондир,
Ётқизадилар секин.
Она чумоли қизин
Боши узра парвона.
«Сени бу аҳволга ким —
Солди?»— деб боқар ёна.
Бир оз ўтгач Қорақош
Очади кўзларини,
Гўё пичирлагандай
Айтади сўзларини:
«— Нозик бир қил устида
Қолган эди бу жоним,
Хайрият яна сизни
Кўролдим, онажоним.
Шумниятли ўргимчак
Аягани йўқ сира.
Кўзларимни тиндирди
Оёқ-қўлимдан сўра!»
Қорақошни тингларди
Ўн мингта оға-ини.
«Э-воҳ, тирик экансан!—
Ота юпатар уни,—
У газанда аблаҳни
Таъзирини берамиз.
Қай гўрга яширинди
Текинхўр ва бетамиз.
Қайга кетди, айт қизим,
Ўргимчак яшшамагур?
Сенинг олдингда узур
Сўрашга қилай мажбур».

VII

Паҳлавон лашкарбоши
Газандани изларди.
«Уни тутмай қўймайман!»—
Бир мақсадни кўзларди.
Ёнида лашкарлари
Уни қўллар эдилар.
Ул малъун ёвни топиб
Янчажакмиз, дердилар.
Қўлни қўлга берганча
Олға қадам ташланар.
Чинорнинг ҳар бурчида
Изланишлар бошланар.
Ҳар чумоли кўзида
Ёнар ғазаб алами.
Шохдан-шоҳга ўтишар
Илдам, тезкор қадами.
Тинч оила тинчлигин
Бузгандан олишар ўч.
Бирлашган чумолилар
Сафида қудратли куч.
Қорақош қасоси деб
Улар муштга айланган.
Олдинма-кетин борар
Гўё ипга бойланган.
Ўримчакнинг додини
Бермасдан қўймас улар.
Малъун ёвни излашиб,
Одимлар чумолилар!

VIII

Ўргимчак писиб ётар,
Қўлида ялтирар тиг.
Қудратли кучни кўриб

Қалби этиб кетар шиғ.
Ёлғизлиги бу дамда
Кемириб ташлар ичин.
Зич-зич сафлар ортидан
Яланғочлар қиличин.
Алам билан тиғни сўнг
Душманига ташлайди.
Шу билан улкан жангни
Барг устида бошлайди.
Тиғга учраган уч-тўрт
Чумоли беради жон.
Аmmo сафлар кетидан
Сафлар келар беомон.
Тиғ ушлаган қўлни ҳам
Шартта ушлайди улар.
Гўё қора аждардай
Ёприлар чумолилар.
Уруш қурбонсиз бўлмас,
Бир тўдаси йўқ бўлди.
Қанчаси ярадору
Қанча-қанчаси ўлди...

IX

Ўргимчак оёқ-қўли
Кишанланди — бойланди.
Қилич тутган қўлини
Кесдилар, қилиб банди.
Сўнг ота ҳузурига
Элтдилар ҳукм учун.
Шу аҳволга тушар — ким
Бевақт кўрсатса кучин,
Отасининг кўзида
Ўт чақнайди ғазабдан:
— Фарзандлар, қутилдинлар
Яна битта азобдан.

Малъун душманга ҳарвақт
Ҳукм битта:

Бу ўлим.

Аламдан ғажир эдим,
Аммо бормайди қўлим!
Уни кўпчилик бўлиб
Кўзларини ўйинглар.
Сўнгра ўз сиртмоғига
Ўзин осиб қўйинглар.
Ҳар тараф жар солинглар,
Тингласин яқин-йироқ.
Ким душманлик қилса гар
Аҳволи шундай чатоқ!
Тингласин тоғу тошлар,
Тингласин шарқироқ сой.
Ким бизга кўз олайтса,
Аҳволи шундайин вой!

.
Ўргимчакни чинорга
Осиб қўйдилар шартта.
Кимки ёвуз бўлса гар,
Шундай бўлур албатта!

Х

Чумолилар саф тортиб
Карнай, сурнай чалдилар.
Улар аҳил оила,
Майдонга йўл олдилар.
Ғалаба тантанаси
Тонггача этди давом.
Қорақош мамнун, қувноқ,
Рақсга тушди бу оқшом.
Чумолилар момоси
Чочқиларни кўп сочди.
Булут остидан Ой ҳам

Аста юзини очди.
Жуда файзли эрур
Сокин ўрмон ҳавоси.
Давранинг энг тўрида
Чумолилар бобоси.
Чўлоқвой ҳам қарс уриб
Шодлигини билдирди.
Қизиқчи узун мўйлов
Ҳаммани бир кулдирди.
Тантана, ўйин-кулгу
Тонггача этди давом.
Ҳар чумоли айтарди:
— Оппоқ тонгларга салом!



ШАМОЛ ҚАЙДА УХЛАЙДИ!

1.

Бувисини етаклаб
Алишер кезади боғ.
Бир зумга ҳам тинмас лаб,
Бошида мингта сўроғ:
— Буви, нега сочингиз
Оппоқ, меники қора?
Олмами, айтинг-чи, сиз,
Ширинроқ нокдан кўра?
Бувижоним, Сиз менга
Ану Ойни оберинг.
Дарахтда пишмас нега
Қовуну тарвуз, бодринг?
Оқшом кўнар боғ узра,
Яна буви, Алишер.
Мовий кўкда Ой сирға,
Невара бидирлаб дер:
— Буви, шунча юлдузлар
Нега кетмас тўкилиб?
Ё осмоннинг кўйлаги
Йиртилмайди сўкилиб?
Кундузги қуёш қани?
Бекиндими ё мандан?
Буви қучоқлар уни:
— Ўзим ўргилай сендан!
Ўсаверсанг, болакай,
Билиб оларсан бир-бир.
Ўсаверсанг, болакай,
Дунёда қолмагай сир.
Ўсаверсанг, болакай,
Ечилгай барча жумбоқ.
Ўсаверсанг, болакай,
Жавобсиз қолмас сўроқ.

2.

Иссиқ уй.
Яна икков —
Алишер ва бувиси.
Болакайнинг ва лекин
Келмас асло уйқуси.
Ҳовлида эсар шамол,
Ойнани тақиллатар.
Чапак чалиб бемалол,
Қўлини шақиллатар.
Невара ҳамон бийрон,
Еғдириб ташлар савол:
— Кундузи бўлур қачон?
Қаерда ухлар шамол?
Булутнинг борми уйи?
Дарахт совуқ емасми?
Қанча қуёшнинг бўйи,
Ойдан кичик эмасми?
Осмоннинг кўп юлдизи,
Ундан нур томар, нега?
Мушукнинг икки кўзи
Кечаси ёнар нега?
Аждарҳо бўлар қайда?
Нечта тимсоҳнинг тиши?
Болалар борми Ойда?
Йўлбарс зўрми ё киши?
Не бўпти, билмаганин
Бувисидан сўрайди,
Буви эса олиб тин,
Алла айтиб, мудрайди:
— Ухла, балакай, ухла,
Кўкда Ой ҳам ухлади.
Ухла, болакай, ухла,
Боғда сой ҳам ухлади.
Ухла, болакай, ухла,

Оппоқ булут ухлади.
Ухла, болакай, ухла,
Водий барқут ухлади.

3.

Миниб оқ ёлли тойга,
Учиб қўнибди Ойга.
Ўнг қулоғин бураса,
Пизиллаб чопар роса.
Бураса чап қулоғин,
Тормоз қилар оёғин.
Ой сирти экан силлиқ,
Болакай қилиб қуллиқ,
— Салом сенга, эй Ой, дер.
Гўзаллика кўп бой, дер.
Элимдан сенга салом,
Бувимдан сенга салом!
Кечгача сайр этиб у,
Сувсабди, тополмай сув.
Уён-буён чопибди,
Катта булоқ топибди.
Тойчадан отиб ўзин,
Зилолга тикиб кўзин,
Ётиб ичмоқ бўлибди,
Шунда кимдир кулибди.
Кўрса, аждаҳо — уч бош,
Кулса, зириллар тоғ-тош.
Булоқ бўйида ётиб,
Оғзидан фонтан отиб,
Болакайга боқармиш,
Кўзида ўт ёқармиш.
Алишер тез йиғиб куч,
Қўлига тутмиш қилич.
Жимитгина бўлса ҳам,
Ўзини тутиб бардам,

Бошлабди беаёв жанг,
Кеч бўлиб, отибди тонг.
Ўтибди қирқ кундуз-тун,
Бола келибди устун...
Аждаҳо эгибди бош,
Кўзидан тўкибди ёш.
— Ўғлон, сенга бердим тан,
Ботир экансан чиндан!
Буюр, бажо этайин, —
Деб ўпибди этагин.
Болакай кулиб-кулиб,
Деганмиш завққа тўлиб:
— Чопмай, майли, тирик қол,
Лекин гапим уқиб ол:
Ой кўксини сен боғ қил,
Қатор-қатор булоқ қил!
Аждаҳо дер:
— Яшавор,
Ойдан ўзинг ташавор.
Айтганинг бўлсин бажо,
Сен ёнимда қол аммо...
Болакай «Йўқ-йўқ!» дебди,
Бувим кутиб турибди.
Ҳайр, деб олтин Ойга,
Миниб олибди тойга...
Тойи улкан қуш экан,
Кўз очса, эҳ, туш экан!..

4.

Кўрган ширин тушини
Алишер сўйлар бир-бир:
— Бир ўзим аждаҳони
Енга олдим-ку, ахир!
Кичкина деманг мени,
Энди катта боламан.

Тунда ўзим ҳовлига —
Чиқар ботир бўламан!
Бувиси силар бошин,
Ўзини тутиб хушҳол.
Эркалар артиб ёшин:
— Аввал сен чой ичиб ол!
Улғаярсан, ўшанда
Бари сенга бўлади.
Она-Ватан ва ундан
Нари сенга бўлади.
Ҳозирча сен чойингни
Ичиб олгин, болакай.
Сўнг ҳаётдан жойингни
Қучиб олгин, болакай!
Бола дер:

— Буви, нега
Кўзларингиз ёшланди?
Буви дер:

— Бир кун кетди,
Янги кун ҳам бошланди!
Лекин менинг таянчим,
Келажак, албатта сан.
Билиб қўйгин, болакай,
Энди бир кун каттасан.
... Яна боғ, яна ўша
Ширин-ширин хаёллар.
Бувижонга ёғилар
Ҳеч тугамас саволлар:
— Аждаҳо дарахт экса,
Кўкарармикин Ойда?
Шамол қайда ухлайди?
Булутнинг уйи қайда?.,

ТУРҒУННИНГ УРТҰҚМОҒИ

Китобга бўлиб мафтун,
Ярим тунгача Турғун
Ўқиди такрор-такрор,
Ҳар гап тагида гап бор.
Рустам енгилмас, полвон,
Олмос ботир ёнма-ён,
Мулойим донишманд чол,
Ақлини қилганди лол.
Осмон узра учган ҳу,
Булут эмас, эмас сув,
Билсанг, лозим ўқимоқ:
Уртўқмоқдир уртўқмоқ.

I

Эртароқ туриб бугун,
Уртўқмоқ ясар Турғун.
Ёғочни саралади,
Аррада арралади.
Рандада қилиб силлиқ,
Ишига айтар, қуллуқ!
Тайёр бўлгач уртўқмоқ
Шодланиб дер:

— Юр, тўқмоқ!

Эдим сенга кўп ташна,
Бўламиз энди ошна.
Далаларга борамиз,
Болаларга борамиз.
Ҳар қадамга бўл ҳамроҳ
Қадрдоним, уртўқмоқ!
Шундай деб йўлга тушди,
Бошидан хаёл учди.
Ўзин уриб ҳарёққа,
Жон кирганди тўқмоққа.

Кўк сари учар экан,
Денгизда гўё елкан,
Турғун қошига келиб,
Шаршарадай шўх кулиб,
Дейди:— раҳмат, болакай,
Шод бўл ҳарвақт, болакай,
Кўп йиллар эдим бежон,
Сен жон бердинг, ўртоқжон!
Қайтдим асл ҳолимга,
Энди боқ аҳволимга:
Дунёда тенгсиз кучман,
Яхшиликка хўп ўчман.
Ким ёмонлик қилса гар,
Бошига гурзим тушар.
Ёлғончига бўлмай дўст,
Тушираман битта мушт.
Мақтанчоқдан қочаман
Ва сирини очаман.
Бўла олмай унга дўст,
Тушираман икки мушт.
Кимки дарсин қилмаса,
Дарс қилишни билмаса,
Бўлса гар ўйинқароқ,
Ундан кетурман йироқ.
Иккичига бўлмай дўст,
Тушираман учта мушт.
Уртўқмоқ сўйлар эди,
Турғунбой ўйлар эди...

II

Ҳой уртўқмоқ, уртўқмоқ,
Буёғи бўлди қандоқ?!
Бир дўстим бор — ён қўшни,
Аҳилмиз кўп — жон қўшни.
Юрагида кири йўқ,

Аммо билсанг, бир оз шўх.
Севгани ўйин-кулгу,
Анҳор бўйи, муздек сув.
Кўчада эртаю кеч,
Мактабни севмайди ҳеч.
Ўйнаса нуқул чиллак,
Учирса нуқул варрак,
Футбол ҳам тепар гоҳо,
Дарс қолиб кетар, оҳ-ҳол
Уртўқмоқ сўйлар бир-бир:
— Турғунбой, мени кечир,
Аямайман ҳеч кимни,
Очиб сирли сим-симни,
Урганим урган уни,
Дўстингга айтгил шуни!
Агар рози бўлсанг сен,
Уни йўлга солай мен.
— Майли, майли!— дер Турғун,
Ечилгандай бир тугун.
Уртўқмоқ учиб кетди,
Самони қучиб кетди.
Бир вақт кўчада қий-чув,
Ўртоғи додлар:— Вой-вув...
— Дод тўқмоқнинг дастидан,
Шуми совға дўстидан.
Қилдим қандайин гуноҳ?
Бошим шишди-ку, эвоҳ!
Тўқмоқ дер:
— Ҳар бир ишнинг,
Ўқиш, ишлаш, кулишнинг,
Болакай ўз вақти бор,
Вақти борнинг бахти бор.
Турғуннинг дўсти аста,
Ёшин артиб бирпасда,
Дер:— Айтганинг қилай, хўп,
Ураверма сен ҳам кўп!

Уртўқмоқ учиб кетди,
Тезда манзилга етди.
Турғунбой чопиб уйга,
Аввал ўт солиб қўйга,
Сўнг ичиб олади чой,
Лабида ўйнаб чирой.
Ўлтирар дарс қилишга,
Тўқмоқ қойил бу ишга.
Ёнида турар кулиб,
Ундов белгидай бўлиб!

III

Синф жимжит, борар дарс,
Болаларда зўр ҳавас.
Тинглашар сақлаб сукут,
Ҳамма гўё бир вужуд.
Янги дарс ўтар устоз,
Турғун ҳам тинглар кўп соз.
Ёнида уртўқмоғи,
Қадрдони — ўртоғи.
Орқадаги партада,
Гўёки дарсдан зада,
Нор ўлтирар қимтиниб,
Ён дўстига туртиниб.
Жамалаксоч қизалоқ:
— Жим ўтир, Нор! — дер шу чоқ, —
Сочларимни тортма, ҳей,
Беҳуда гап отма, ҳей!
Нор эса эшитмай гап,
Ўлтирар туршак чайнаб!
Оёғини тапиллатар,
Партани тақиллатар.
Турғун қараса, бўлмас,
Дўстидан кўнгли тўлмас.

Пичирлаб дер:

— Тўқмоғим,

Ақллигим, оппоғим,
Тинчитиб қўйгин Норни,
Билиб олсин у орни!
Шу пайт дарғазаб тўқмоқ —
Узайиб кетган таёқ
Норни савалай кетди,
Шўхни даволай кетди.
Нор қўрқар додлай деса,
Тек турмас тўқмоқ эса.
Савалайди тинмайин,
Тинмаслиги ҳам тайин.
Норнинг олаяр кўзи,
Оғзига келмас сўзи.
Ниҳоят дейди:

— Вой-дод!

Сенда борми ҳеч уят?
Нега урасан мени,
Синдириб ташлай сени!—
Деб тўқмоққа ёпишар,
Тўқмоқ эса учар шар.
Учиб яна уради,
Кўчиб яна уради.
— Ҳой-ҳой, ёрдам беринглар,
Бу таёқни кўринглар,—
Дея кўзга олар ёш,
Ғурра бўлган юзу бош.
Ниҳоят дер:

— Уртўқмоқ,

Сўзларимга юр, тўқмоқ,
Энди қилмай тўполон,
Дарсларни тинглай шодон.
...Учиб кетгач уртўқмоқ,
Чалинади қўнғироқ!

IV

Тўрту беш баҳолардан
Маҳрум-йироқ болалар,
Кечгача копток тепган
Ўйинқароқ болалар,
Юз-қўли кир, қулоқсиз,
Нодон болаяр, тингланг;
Яхши гапни билмовчи
Нордон болалар, тингланг;
Учиб юрар ҳавода
Ва асил муддаода
Турғуннинг уртўқмоғи,
Қадрдони, ўртоғи.
Уртўқмоқ келмасда, пўшт,
Тушиб қолмасин бир мушт!..



АҲИЛ БИЛАН БАХИЛ

(Халқ эртаги асосида)

Қадим-қадим замонда
Қуёш чиқар томонда
Бор эди обод диёр —
Диёрда бари бисёр.
Шу ўлкада гашт қилиб,
Гоҳо йиғлаб, гоҳ кулиб —
Яшар эди ёнма-ён —
Аҳил, Бахил икковлон.
Аҳил аҳил яшарди,
Бахил бахил яшарди.
Аҳил кўнгли гўё нур
Ҳаммага нур улашур!
Бахил кўнгли гўё тун —
Тунгга ўрайди бутун.
Куйлаб берай Аҳилнинг
Аҳиллигин, болалар.
Сўйлаб берай Бахилнинг —
Бахиллигин, болалар.
Аҳил, Бахил бир куни,
Бўлиб саҳро мафтуни
Сайр қилиб кетдилар,
Дала-даштан ўтдилар.
Аҳил елкада меши,
Бахилнинг ҳеч йўқ иши.
Кун қаттиқ қиздиради,
Куйдириб бездиради,
Оёқларни кесар тош,
Йўл эса бўлмас одош.
Ўлтиришга соя йўқ —
Саҳрога ниҳоя йўқ.
Ташналик қийнаса гоҳ,
Очлик ҳам қилар огоҳ.

Аҳил саҳийлик қилиб,
Дилини очиб, кулиб,
Ўртага тўкар борин.
Бахил йўқотиб орин —
Овқат еб пишиллайди,
Илондай вишиллайди!
Яна тушарлар йўлга,
Боқишиб ўнгу сўлга.
Шу аҳвол кунлар ўтди.
Неча бор тунлар ўтди.
Бўшар Аҳилнинг меши,
Бахилнинг йўқ ҳеч иши!
Тугаб борар нон-овқат,
Қайғурар Аҳил фақат!
Қуёш эса куйдирар,
Юрмоқликдан тўйдирар.
Қумлоқда ёнар олов,
Оловда борар икков
Ташналик қийнар ёмон,
Ҳатто йўқ бир тишлам нон.
Бахил эса қўйнига,
Пинҳон қилиб бўйнига —
Мешини осган экан,
Шунинг-чун шошган экан.
Аҳил сўрар Бахилдан,
Ёлворар содда дилдан:
— Дўстим, бир оз сувдан қуй!
Сувинг кўп экан, вой-буй!
Бахил эса сув ичиб,
Қумларни дадил кечиб,
Олға кетармиш доим,
Аҳил эса мулойим —
Ёлборармиш:
— Сув қуй,— деб,
Сувинг кўп-ку, вой-буй,— деб.
Бахил жеркиб ташлайди.

Аҳил кўзин ёшлайди.
Бахил дейди:
— Баттар бўл,
Ортда қол, саҳрода ўл.
Сендай бўлиш менга ор,
Сув, нон бермасдан зинҳор!
Шундай деб йўлда ташлаб,—
Аҳилнинг кўзин ёшлаб,
Кетиб қолди йироққа,
Майса гилам ўтлоққа...

* * *

Оқшом чўкди, ёнди юлдузлар,
Шамол ҳуштак чалар бетиним.
Аҳил ҳамон томчи сув излар.
Ҳолдан тойган,
Атроф сокин-жим.
Йиқилади бехосдан шу дам,
Бир тутам ўт илашар қўлга.
Шошиб ўтни чайнади,
О, нам!
Гўё малҳам бўлгандек дилга!
Шу майсанинг бор эди сеҳри —
Кимки уни чайнаса билар —
Барча гиёҳ, жонивор тилин.
Аҳил тинглаб дунёни кулар.
Гарчанд тун ҳам ўтиб борса-да,
Кўзларига илашмас уйқу.
Очликдан у беҳад толса-да,
Юрагида сўнмаган орзу.
Қумда шу пайт икки тошбақа
Ўрмалашиб келарди бир-бир.
Сўйлашарди ўзаро улар,
Сўзлари ҳеч эмас эди сир.
Бири дерди:— Мана бу одам —

Ташналик ва очликдан хаста.
Сув топарди ётгандан кўра
Қудуқ томон юролса аста.
Бошқаси дер:
— Тўғри айтасан,
Қудуқ йироқ эмас-ку, ахир,
Ҳу, саксовул тагида қудуқ,
Аҳил тинглар,
Тушунар бир-бир.
Зўрға яна тушади йўлга —
Кўз олдида бижилдоқ булоқ.
Ихтиёрин олади қўлга,
Қани энди етолса тезроқ.
Бир оз юргач кўринар қудуқ,
Қудуқ ёни каттакон ўтов.
Чар-чарс этиб сайрайди учкун,
Кимдир унда ёқади олов.
Аҳил шошиб етиб боради,
Кўчманчи ҳам экан меҳмондўст!
Сув ҳам турар истаганича,
Дастурхон ҳам безайди дуруст.
Тонг отади,
Яна саҳрода —
Бошланади қумлар қуюни.
Олов пуркар, барханлар аро —
Юмронқозиқ, илон ўйини.
Кўчманчидан сув, овқат олиб,
Аҳил яна йўлга тушади.
Ташвишлари ортида қолиб —
Ҳар қадамда гулга учради.
Йўл тугамас,
Бепоен саҳро.
Чўл шамоли чалади ҳуштак,
Аҳил чарчаш билмайди аммо,
Фақат олға ундайди юрак.

Оқшом чўкиб,
Оқаради тонг,
Қувалашиб ўтади кунлар.
Саъва сайрар, дилрабо оҳанг,
Қуёш севиб, сочар майин зар.
Аҳил ҳордиқ олиб ўлтирар
Қари терак остида бу кеч.
Дарахт барги елда қалтирар,
Япроқ қўшиқ айтар тинмай ҳеч.
Шу пайт терак шоҳига аста
Келиб қўнди икки зағизғон.
Ва Аҳилга боқар ҳавасда,
Барчасидан улуғвор инсон.
Зағизғонлар тилини Аҳил
Тушунади, яхши билади.
Ва уларнинг шўх-шўх гапидан
Завқланади, роса кулади.
Бир зағизғон сўйлаб қолади:
— Сенда олтин тангалар сероб.
Қаерлардан келтирдинг ташиб?
Сўйлаб бергин, ўртоқжон, шу тоб!
Тинглаб бўлгач, бошқа зағизғон,
Шеригига боқади қиё:
Қулоғингга айтайин шу он,
Бошқа ҳеч ким билмасин асло!
Аҳил тинглар улар гапини,
Лабларида самимий ханда.
Билиб олар олтин нафини —
Зағизғонлар гаплашганида:
Шу теракнинг тагида яшар,
Минг йиллардан буён бир сичқон.
Ташигани олтин ила зар.
Терак таги олтинга макон!
— Қаерлардан оларкан уни
Олтин, ахир, сочилиб ётмас.
Билсанг, мен ҳам олтин мафтунни,

Омбор йўлин кўрсатолсанг бас.
— Дўстим, сичқон етти подшонинг
Хазинасин йўлин топибди.
Ҳар кун етмиш марта у ерга
Югурибди.
Шошиб чопибди!
Ҳу, кавакни кўрдингми, уни —
Чўқиласанг, олтин топасан.
Ўша ерга, билсанг, ҳар куни,—
Қоп-қоп бойлик учун чопаман!
Аҳил қари терак остини —
Кавлаб топди чексиз хазина.
Сўнг излади таниш, дўстини,
Деди, хизмат, қилай озгина!
Олтинларни туби йўқ эди,
Эл бойиди, бойиди ўзи.
Ҳаёт гўё бир қўшиқ эди,
Доим очиқ Аҳилнинг юзи!

* * *

Бахил кўрди, Аҳил шод,
Бойлиги мўл, эл обод.
Доим халқнинг сўзида,
Юртнинг тиниқ кўзида!
Довриғи ошиб борар,
Дарёдан тошиб борар.
Ўйлайди сири қайда,
Аниқлаб кўрай, фойда!
Аҳил ҳам тутмайин сир,
Сўйлаб берар бирма-бир:
— Саҳрода бир ўт бордир.
Еганлар бахтиёрдир —
Билиб олар жонивор
Ва дарахтлар тилини.
Ўт дёб қилма асло ор,

Созлар инсон дилини,
Дунёда сир қолмайди,
Шодлик ҳеч йўқолмайди.
Оқшом қушлар қайтганда,
Дилбар қўшиқ айтганда,
Юрагингга завқ солар,
Ташвиш тамом йўқолар.
Тинглагач Бахил шошиб —
Сахрога олади йўл.
Мўл юрар тоғлар ошиб,
Йўл юрар толиқиб мўл.
Сахрога етар тезда,
Топар ўша ўтни ҳам.
Шодланар у шу кезде
Ва оғзида сезар нам.
Аста тушуна бошлар
Жониворлар тилини,
Энди шод қадам ташлар.
Тик тутганча қўлини,
Майда-чуйда жонивор —
Кам олтин йиғар, дейди.
Дунёда арслон бор,
Тингласам агар, дейди.
Бойсам шундай бойий,
Аҳил ҳеч гап бўлмасин.
Мен кулганда у номард
Кулолмасин,
Кулмасин!
Шундай деб у арслон —
Уясига йўл олди.
Қирлар ошди, ортида —
Қанча-қанча чўл қолди.
Арслон йўқ чоғида
Яширинди кавакка.
Куяр бойлик доғида,
Куяр кавакда якка.

Уч-тўрт арслон шу пайт
Кириб келишар ғорга.
Қўрқиб кетгандан Бахил —
Нафас олади зўрға!
Ва тинглайди уларнинг
Гапларини Бахилвой,
Бири дейди:— Одамнинг
Ҳиди келар, қара ҳой!
Бошқаси дер:— Ҳа, одам
Бурчакда писиб ётар!
Ва чопиб бориб шу дам —
Бахилни тишлаб отар!
Арслонлар ёпирилиб
Еб қўйишди Бахилни.
Меҳр билан ардоқлаб
Эл-юрт суяр Аҳилни.

МУНДАРИЖА

Қуёш сочган бўёқлар

Давра қуринг, болалар	4
Ишонч	5
Байрам кунда	7
Бобом	8
Зиналар	10
Почтальон опам	11
Бувим ҳақида қўшиқ	12
Эртакни тинглаб	13
Варрак учираётган бола қўшиғи	14
Болакай	16
Асалари	17
Болалар гурунги	18
Гилос	20
Кичик пахтакор сўзи	21
Олчалар	22
Сўхдарё	23
Лола	24
Баҳорой синглимга салом!	25
Ёзда қор	27
Замин ва Дамин	27
Шалола — Ҳилола	28
Кишмиш	29
Коньки учамиз	30

Шўху шодон болалар

Арғимчоқ	32
Ҳар каллада ҳар хаёл	34
Савол-жавоб	35
Эҳ, болалар	36
Машинам	38
Пазанда	39
Қизча	40
Райҳоннинг шари	41
Шоколад	42
Бир синф болалари	43
«Икки» ва «беш»лар	46
Топишмоқ ўйини	48
Фокусчи	49

Ёрилиб кетган шар	50
Шўх бола	51
Хўроз	52
Тулпор	53
Салом бериб ўтамиз	54
Қалдирғоч уяси	55
Капалакни қувалаб	57
Мусича	58
Какку	59
Қушлар	60
Кучукчам	61
Хўтик ва лайча	62
Сичқоннинг туши	63

Табиат жилolari

Илдиз	66
Қиш кечалари	67
Ёнимга туш оҳужон	69
Балиқ овида	72
Ҳовуз	73
Турналар аргимчоғи	74
Тераклар	75
Кўклам шабадаси	76
Оқшом	77
Яна жийда гуллади	78
Ёз кечаси	79
Чархпалак	80
Денгиз бўйида	82
Оқ булутлар	84
Бўғдойзор қўшиғи	85
Сухбат	87
Ўрмон ёмғири	89
Чақмоқ	90
Мактаб қоровули	92
Ўзбекистондан салом	95

Қишлоғим (туркум)

1. Қишлоқ меҳри	96
2. Гулхан	99
3. Қишлоқ баҳори	101
4. Чинор ва булоқ	102

5. Анҳоржон, анҳор	104
6. Чўққида	105
7. Қадрдондир	106

Эртақлар

Биллур Ваза (Сергей Михалковдан)	108
Чумолилар жанги	112
Шамол қайда ухлайди?	122
Турғуннинг уртўқмоғи	127
Аҳил билан Бахил	133

На узбекском языке

для ДЕТЕЙ СРЕДНЕГО ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

Тулкун Имамходжаев

БУТОНЧИКИ

Стихи, сказки

Издательство «Ёш гвардия», Ташкент — 1986

Тақризчи Р. Саидов
Редактор Султон Жаббор
Рассом Ҳ. Лутфуллаев
Расмлар редактори Ҳ. Раҳматуллаев
Техн. редактор У. Ким
Корректор М. Набиева

ИБ № 1883

Босмахонага берилди 19. 02. 86. Босишга рухсат этилди
13. 06. 86. Р 14629. Формати 70×90 ¹/₃₂ №1 босма қо-
ғозга «Журнальная рубленая» гарнитурою юқори босма
усулида босилди. Босма листи 4,5. Шартли босма листи
5,26. Нашр листи 4,91. Шартли кр отт. 5,55. Тиражи 8000
Буюртма № 92. Шартнома № 168—85. Баҳоси 35 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия»
нашриёти, Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси
ишлари Давлат комитети, Тошкент «Матбуот» полигра-
фия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонасида
босилди. Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 44.